

# IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№2(12). 2018



**Бош муҳаррир:**

Султанов Тохиржон Закирович

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти  
илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлар доктори, доцент

**Илмий муҳаррир:**

Салоҳиддинов Абдулҳаким Темирхўжаевич

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти  
техника фанлар доктори, профессор

**Муҳаррир:**

Ходжаев Сайдакрам Сайдалиевич

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти  
техника фанлар номзоди

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ТАРКИБИ**

**Умурзаков Ў.П.**, иқтисод фанлари доктори, профессор, ТИҚХММИ ректори; **Ҳамраев Ш.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири; **Ишанов Х.Х.**, техника фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси; **Мирсаидов М.**, техника фанлар доктори, академик, ТИҚХММИ профессори; **Хамидов М.Х.**, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, ТИҚХММИ профессори; **Бакиев М.Р.**, техника фанлари доктори, ТИҚХММИ профессори; **Рамазанов О.Р.**, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, ТИҚХММИ профессори; **Мирзаев Б.С.**, техника фанлари доктори, ТИҚХММИ ўқув ишлар бўйича проректори; **Рахимов Ш.Х.**, техника фанлари доктори, ИСМИТИ профессори; **Арифжанов А.М.**, техника фанлари доктори, ТИҚХММИ профессори; **Гловацкий О.Я.**, техника фанлари доктори, ИСМИТИ профессори; **Икрамов Р.К.**, техника фанлари доктори, ИСМИТИ профессори; **Серикбаев Б.С.**, техника фанлар доктори, ТИҚХММИ профессори; **Чертовичкий А.**, иқтисод фанлари доктори, ТИҚХММИ профессори; **Султонов А.С.**, иқтисод фанлари номзоди, ТИҚХММИ профессори; **Исмаилова З.**, педагогика фанлари доктори, ТИҚХММИ профессори; **Махмудов И.**, техника фанлари доктори, ИСМИТИ профессори; **Исаев С.Х.**, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, ТИҚХММИ доценти; **Сулайманов А.**, Мелиомашлининг Давлат лизинг компанияси директори.

**ТАҲРИР КЕНГАШИ ТАРКИБИ**

**Ватин Николай Иванович**, т.ф.д., Буюк Пётр Санкт-Петербург политехника университети профессори; **Иванов Юрий Григорьевич**, т.ф.д., К.А.Тимирязев номидаги МҚХА – Россия давлат аграр университети профессори, А.Н.Костяков номидаги Мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти директори в.б.; **Козлов Дмитрий Вячеславович**, т.ф.д., Москва давлат қурилиш университети профессори, Гидротехника ва Гидроэнергетика қурилиши институтининг “Гидравлика ва Гидротехника қурилиши” кафедраси мудир; **Кизяев Борис Михайлович**, т.ф.д., А.Н.Костяков номидаги Гидротехника ва мелиорация Россия федерал давлат бюджет муассасалари илмий-тадқиқот институти профессори, Россия Фанлар академияси академиги; **Lubos Jurik**, associate professor at “Department of Water Resources and Environmental Engineering” of Slovak University of Agriculture in Nitra; **Коваленко Петр Иванович**, т.ф.д., Украина қишлоқ хўжалиги фанлари Миллий академияси академиги, Мелиорация ва сув ресурслари илмий-тадқиқот институти директор маслаҳатчиси, профессор; **Ханов Нартмир Владимирович**, профессор, К.А.Тимирязев номидаги МҚХА – Россия давлат аграр университетининг “Гидротехника иншоотлари” кафедраси мудир; **Krishna Chandra Prasad Sah**, PhD, M.E., B.E. (Civil Engineering), M.A. (Sociology) Irrigation and Water Resources Specialist. Director: Chandra Engineering Consultants, Mills Area, Janakpur, Nepal; **Айнабеков Алпысбай Иманкулович** – т.ф.д., М.Ауезов номидаги Жанубий-Қозоғистон давлат университетининг “Механика ва машинасозлик” кафедраси профессори.

**Муассис:** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент ш., Қори-Ниёзий, 39. [www.jurnal.tiame.uz](http://www.jurnal.tiame.uz) E-mail: [i\\_m\\_jurnal@e-tiame.uz](mailto:i_m_jurnal@e-tiame.uz)

«Irrigatsiya va Melioratsiya» журнали илмий-амалий, аграр-иқтисодий соҳага ихтисослашган. Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2015 йил 4 мартда 0845-рақам билан рўйхатга олинган.

**Обуна индекси:** 1285.



#### Главный редактор

Султанов Тахиржон Закирович

Проректор по научной работе Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства  
доктор технических наук.

#### Научный редактор

Салохиддинов Абдулхаким Темирхужаевич

Профессор Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства  
доктор технических наук.

#### Редактор

Ходжаев Сайдакрам Сайдалиевич

Доцент Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства  
кандидат технических наук.

#### РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

**Умурзаков У.П.**, доктор экономических наук, профессор, ректор ТИИИМСХ; **Хамраев Ш.Р.**, кандидат технических наук, министр водного хозяйства Республики Узбекистан; **Ишанов Х.Х.**, кандидат технических наук, главный специалист Кабинета Министров Республики Узбекистан; **Мирсаидов М.**, доктор технических наук, академик, профессор ТИИИМСХ; **Хамидов М.Х.**, доктор сельскохозяйственных наук, профессор ТИИИМСХ; **Бакиев М.Р.**, доктор технических наук, профессор ТИИИМСХ; **Рамазанов О.Р.**, доктор сельскохозяйственных наук, профессор ТИИИМСХ; **Мирзаев Б.С.**, доктор технических наук, проректор по учебной работе ТИИИМСХ; **Рахимов Ш.Х.**, доктор технических наук, профессор НИИИВП; **Арифжанов А.М.**, доктор технических наук, профессор ТИИИМСХ; **Гловацкий О.Я.**, доктор технических наук, профессор НИИИВП; **Икрамов Р.К.**, доктор технических наук, профессор НИИИВП; **Серикбаев Б.С.**, доктор технических наук, профессор ТИИИМСХ; **Чертовичский А.**, доктор экономических наук, профессор ТИИИМСХ; **Султонов А.С.**, кандидат экономических наук, профессор ТИИИМСХ; **Исмаилова З.**, доктор педагогических наук, профессор ТИИИМСХ; **Махмудов И.**, доктор технических наук, профессор НИИИВП; **Исаев С.Х.**, доктор сельскохозяйственных наук, доцент ТИИИМСХ; **Сулайманов А.**, Директор Мелиомашлизинг государственной лизинговой компании.

#### РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

**Ватин Николай Иванович**, д.т.н., профессор Санкт-Петербургского политехнического университета Петра Великого, (Россия); **Иванов Юрий Григорьевич**, д.т.н., профессор Российского государственного аграрного университета – МСХА имени К.А.Тимирязева, и.о. директора института Мелиорации, водного хозяйства и строительства имени А.Н.Костякова, (Россия); **Козлов Дмитрий Вячеславович**, д.т.н., профессор Московского государственного строительного университета – заведующий кафедры “Гидравлика и гидротехническое строительство” института гидротехнического и гидроэнергетического строительства, (Россия); **Кизяев Борис Михайлович**, д.т.н., профессор Федерального государственного бюджетного научного учреждения Всероссийского научно-исследовательского института Гидротехники и мелиорации имени А.Н.Костякова, академик Российской академии наук, (Россия); **Lubos Jurik**, associate professor at “Department of Water Resources and Environmental Engineering” of Slovak University of Agriculture in Nitra; **Коваленко Петр Иванович**, д.т.н., Академик Национальной академии сельскохозяйственных наук Украины, Советник директора Научно-исследовательского института Мелиорации и водных ресурсов, профессор; **Ханов Нартмир Владимирович**, профессор, заведующий кафедрой “Гидротехнических сооружений” ФГБОУ ВО РГАУ-МСХА имени К.А.Тимирязева; **Krishna Chandra Prasad Sah**, PhD, M.E., B.E. (Civil Engineering), M.A. (Sociology) Irrigation and Water Resources Specialist. Director: Chandra Engineering Consultants, Mills Area, Janakpur, Nepal. **Айнабеков Алпысбай Иманкулович** – д.т.н., профессор кафедры “Механика и машиностроение” Южно-Казахстанского государственного университета им. М.Ауезова.

**Учредитель:** Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

**Наш адрес:** 100000, г. Ташкент, улица Кары - Ниязий, 39. [www.jurnal.tiame.uz](http://www.jurnal.tiame.uz) E-mail: [i\\_m\\_jurnal@e-tiame.uz](mailto:i_m_jurnal@e-tiame.uz)

Журнал «Irrigatsiya va Melioratsiya» специализируется в научно-практической, аграрно-экономической сферах. Журнал зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 4 марта 2015 года за № 0845.

**Индекс подписки: 1285.**



**Chief Editor**

Sultanov Takhirjon

Vice-rector on science, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers  
Doctor of technical sciences.

**Scientific Editor**

Salohiddinov Abdulkhakim

Professor at Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers  
Doctor of technical sciences.

**Editor**

Hodjaev Saidakram

Associate professor at Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers  
Candidate of technical sciences.

**EDITORIAL TEAM:**

**Umurzakov U.**, doctor of economic sciences, professor, rector of Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers; **Khamraev SH.**, candidate of technical sciences, minister of the Water Resources of the Republic of Uzbekistan; **Ishanov H.**, candidate of technical sciences, chief specialist Cabinet Ministers of the Republic of Uzbekistan; **Mirsaidov M.**, doctor of technical sciences academician, professor TIIAME; **Khamidov M.**, doctor of agricultural sciences, professor TIIAME; **Bakiev M.**, doctor of technical sciences, professor TIIAME; **Ramazanov O.**, doctor of agricultural sciences, professor TIIAME; **Mirzaev B.**, doctor of technical sciences, vice-rector on academic affairs TIIAME; **Rakhimov SH.**, doctor of technical sciences, professor SRIIWP; **Arifjanov A.**, doctor of technical sciences, professor TIIAME; **Glovatskiy O.**, doctor of technical sciences, professor SRIIWP; **Ikramov R.**, doctor of technical sciences, professor SRIIWP; **Serikbaev B.**, doctor of technical sciences, professor TIIAME; **Chertovitskiy A.**, doctor of economic sciences, professor TIIAME; **Sultonov A.**, candidate of economic sciences, professor TIIAME; **Ismailova Z.**, doctor of pedagogical sciences, professor TIIAME; **Makhmudov I.**, doctor of technical sciences, professor SRIIWP; **Isaev S.**, doctor of agricultural sciences, associate professor TIIAME; **Sulaymanov A.**, Director Meliomashlizing of the state leasing company.

**EDITORIAL COUNCIL:**

**Vatin Nikolay Ivanovich**, doctor of technical sciences, professor Peter the Great St. Petersburg Polytechnic University, (Russia); **Ivanov Yuriy Grigorievich**, doctor of technical sciences, professor Russian State Agrarian University - Moscow Timiryazev Agricultural Academy, executive director of Engineering and Land Reclamation named after A.N. Kostyakov (Russia); **Kozlov Dmitriy Vyacheslavovich**, doctor of technical sciences, professor Moscow State University of Civil Engineering – Head of the Department Hydraulics and Hydraulic Engineering Construction of the Institute of Hydraulic Engineering and Hydropower Engineering, (Russia); **Kizyayev Boris Mihaylovich**, doctor of technical sciences, professor All-Russia Research Institute of Hydraulic Engineering and Land Reclamation of A.N. Kostyakov, academician Russian academy of sciences (Russia); **Lubos Jurik**, associate professor at “Department of Water Resources and Environmental Engineering” of Slovak University of Agriculture in Nitra; **Kovalenko Petr Ivanovich**, doctor of technical sciences, Academician of the National Academy of Agricultural Sciences of Ukraine, Advisor to the Director of the Research Institute of Melioration and Water Resources, Professor; **Xanov Nartmir Vladimirovich**, professor, Head of the Department of Hydraulic Structures RSAU – MAA named after K.A. Timiryazev; **Krishna Chandra Prasad Sah**, PhD, M.E., B.E. (Civil Engineering), M.A. (Sociology) Irrigation and Water Resources Specialist. Director: Chandra Engineering Consultants, Mills Area, Janakpur, Nepal. **Ainabekov Alpysbay Imankulovich** – doctor of technical sciences, professor of the Department Mechanics and mechanical engineering, South Kazakhstan State University named after M. Auezov.

**Founder:** Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

**Our address:** 39, Kari-Niyaziy str., Tashkent 100000 Uzbekistan [www.jurnal.tiiame.uz](http://www.jurnal.tiiame.uz) E-mail: [i\\_m\\_jurnal@e-tiiame.uz](mailto:i_m_jurnal@e-tiiame.uz)

The magazine of "Irrigatsiya va Melioratsiya" specializes in scientific-practical, agrarian and economic spheres. The magazine was registered by the Uzbek Agency for Press and Information on March 4, 2015, under № 0845.

**Subscription index is 1285.**



## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ

Ҳ. Ҳамидов <b>Фидойлик – ҳаёт манбаини асраш омили.....</b>	<b>7</b>
М. Ҳамидов, Б. Суванов К. Ҳамроев <b>Дзани суғоришда полимер комплекслар қўллаш орқали сув ресурсларини иқтисод қилиш.....</b>	<b>10</b>
А.С. Шамсиев, Н.Қ. Ражабов <b>Типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг ўрта толали“Анджон-36”, С-6541 навларининг ҳосилдорлигига сув ва ўғит меъёрларининг таъсири.....</b>	<b>16</b>
Л.А. Мирзаев, Н.М. Ибрагимов <b>Қорақалпоғистоннинг жанубида такрорий экин мошининг пахта ҳосилдорлигига таъсири.....</b>	<b>20</b>
А. Ҳамидов, Б. Суванов <b>Замонавий лаборатория жиҳозлари илмий-тадқиқот ишлари ишончилигининг асоси.....</b>	<b>24</b>
А. Абиров, У.А. Садиқова <b>Конструкция скважин вертикального дренажа из полиэтиленовых труб для улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель.....</b>	<b>27</b>
М.Л. Арушанов, У.Х. Жумаев <b>Коррекция имитационных моделей биопродуктивности зерновых культур с использованием данных дистанционного зондирования.....</b>	<b>31</b>

## ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТЛАРИ ВА НАСОС СТАНЦИЯЛАР

Н.Р. Рахматов <b>Маълумотлар базасини яратиш йўлидаги Сирдарё ҳавзаси сув хўжалик бирлашмасининг тажрибаси.....</b>	<b>36</b>
А.М. Арифжанов, Л.Н. Самиев <b>Дарё чўкиндиларининг фракцион таркибининг кимёвий таркибига боғлиқлиги.....</b>	<b>40</b>
К.С. Султанов, П.В. Логинов, З.Р. Салихова <b>Деформационные характеристики грунтов и методы их определения.....</b>	<b>46</b>
Ф.Ж. Тураев <b>Моделирование колебаний вязкоупругого трубопровода с протекающей жидкостью.....</b>	<b>52</b>
Ш.У. Юлдашев, Д.Т. Абдумуминова <b>Модернизация технологии восстановления вала центробежного водяного насоса.....</b>	<b>57</b>

## ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ

А.Д. Рахматов <b>Ионизаторнинг иш режимларига ҳаво намлигининг таъсирини ўрганиш.....</b>	<b>61</b>
--	-----------

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ ВА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

А.С. Суюнов, Ш.А. Суюнов, У.А. Бердикулов

Ўзбекистон шароитида тригонометрик нивелирлашда рефракцияни ҳисобга олишнинг янгича йўли.....65

## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҶАСИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

З.Қ. Исмоилова, П.М. Махсудов

Магистрантларни илмий-педагогик фаолиятга тайёрлашда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанининг ўрни.....68

N. Shirinova

Organization of the english teaching process.....71

## ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҶАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5418-сонли фармони.....75

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3672-сонли қарори.....78

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3698-сонли қарори.....82

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3702-сонли қарори.....85

УЎТ: 631.67:615.473.5(575.1)

## ФИДОЙЛИК – ҲАЁТ МАНБАИНИ АСРАШ ОМИЛИ

Ҳ. Ҳамидов - т.ф.д., профессор

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### Аннотация

Мақолада табиатнинг инсонлар ва бошқа барча жонзотлар, шунингдек, ўсимликлар дунёсининг ҳаёт фаолияти учун яратиб қўйган тўртта унсур, яъни қуёш, ер, сув ва ҳавонинг чексиз қадр-қиммати ва оламшумул аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, сувнинг энг муҳим ҳаёт манбаи эканлиги ва барча инсонлар унинг қадрига етишлари, асраш авайлашлари ҳамда ундан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш, уни бекорга исроф қилмаслик ҳақида алоҳида таъкидланади. Шу билан бирга сувдан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланган биринчи ўзбек ирригатор аёл – Ҳолбиби ҳақида ҳам маълумот берилган. Бу аёл бир неча йиллар Наманган вилояти сув тизимини фидойиларча бошқарган. Ирригация соҳаси тарихида ёрқин из қолдирган.

**Таянч сўзлар:** сув – ҳаёт манбаи, тежамкорлик, Ўзбекистонда сувчилик, мутахассис бўлиш, фидоий сувчи.

## САМООТВЕРЖЕННОСТЬ – СОХРАНЕНИЕ ИСТОЧНИКА ЖИЗНИ

Ҳ. Ҳамидов - Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

В статье приводятся мысли о значении четырех важнейших стихий: солнца, земли, воды, воздуха, играющих неповторимую роль в сотворении природы, всего живого – растений, животных, человека. Отдельно подчеркивается значение водной стихии. Вода является источником всего живого, люди должны ценить её, беречь и использовать эффективно, без расточительства, все это иллюстрируется в контексте жизни и деятельности первого ирригатора – женщины узбечки – Холбиби, которая представлена как высокий специалист в области сельского и водного хозяйства. На протяжении нескольких лет она самоотверженно возглавляла водную систему Наманганской области и оставила яркий след в этой сфере.

**Ключевые слова:** вода – это источник жизни, бережливость, ирригация Узбекистана, быть специалистом, самоотверженность ирригатора.

## SELFLESSNESS IS A FACTOR IN PROTECTING OF THE SOURCE OF LIFE

X. Xamidov - Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

This article presents ideas on the significance of the four most important elements, the sun, earth, water, air which play a unique role in the creation of nature, all living things as well as plants, animals and human being. The importance of the water element is emphasized separately. Water is the source of all life, people must appreciate it, protect it and use it efficiently, without wasting the water. In the article all this is illustrated in the context of the life and activity of the first irrigator - the Uzbek woman - Holbibi, who is represented as a high specialist in the field of agriculture and water resources management. For several years, she selflessly led the water management system in the Namangan region and left a bright mark in this area.

**Key words:** water is the source of life, thrift, irrigation in Uzbekistan, to be a specialist, dedication of the irrigator.

**Кириш.** Табиатнинг аввало инсонлар учун, қолаверса, курраамиздаги барча ўсимликлар дунёсининг ҳамда минг-минглаб хил турли-туман жонзотларга берган энг бебаҳо, энг улғу инъоми – қуёш, ер, ҳаво ва сув ҳисобланади. Бу инъомларнинг ҳар бирининг ўзига хос мўъжизавий, бетакрор ҳислати, хусусияти, ўрни ва вазифаси мавжуд. Бу инъомларнинг бири бўлмиш – сув ҳақида тўхталадиган бўлсак, ернинг геологик тузилиши, тарихи ва унда ҳаётнинг пайдо бўлиши, физик ва кимёвий муҳит, иқлим ва об-ҳавонинг шаклланишида сув

ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай тирик организм сувсиз ҳаёт кечира олмайди. Сув ер юзининг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги барча технологик жараёнларнинг зарурий қисмидир [1, 2]. Сув кенг тарқалганлиги ва унинг инсонлар ҳаётидаги аҳамияти чексизлиги туфайли жуда қадимдан ҳаёт манбаи ҳисобланиши барчага аён. Шунингдек, сувнинг ҳисобсиз кимёвий, физик, универсал, ижобий хусусият ва чексиз афзалликлари қадимги давр ва кейинги юз йилликларда яшаб ўтган олиму-уламолар, фозилу-фузалолар томони-

дан синчиклаб, батафсил ўрганилиб, исботлаб берилган. Инсон ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида сувдан мунтазам фойдаланиши қадимда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам тўхтовсиз давом этади.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда азалдан давом этиб келаётган кўп асрлик деҳқончилик, ирригация, гидротехник иншоотлар қурилиши ва сув миробли соҳаларидаги кўп асрлик йиғилган тажриба, бу йўналишдаги олим ва мутафаккирлар яратиб кетган ажойиб мерос нафақат кейинги асрлар ва ўн йилликларда, балки ҳозиргача ҳам кейинги ривож ҳамда равнақларга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиб келмоқда ва бу ҳолат узлуксиз давом этади. Аниқроқ қилиб айтганда, сувдан ниҳоятда самарали, унумли фойдаланиш, уни усталлик ва маҳорат, алоҳида билим ва тажриба билан бошқаришда аждодларимиз – мироблар, муҳандислар, меъморлар сув хўжалиги ва деҳқончилик объектларини нафақат мунтазам ишлаш жараёнини ташкил этиш, балки бу ишларни амалга оширишда юксак гўзаллик, кўтаринки кайфият, илҳом, завқ, ишга фидоийларча муносабат каби зарур сифатларга ҳам алоҳида эътибор билан ёндошганлар. Чунки, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ерларни сув билан таъминлашдек машаққатли ва захматли жараёнларда ютуқлар билан бир вақтда баъзан салбий, қийин натижалар ҳам бўлиб турганлиги табиийдир. Масалан, Марказий Осиёда, жумладан, ҳозирги Ўзбекистоннинг қадимий ҳудудларида узоқ даврлар давомида Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё ва Чирчиқ сувлари ўзани бўйлаб сув оқими ва ресурсларидан самарали фойдаланишни эплаш, тартибга солиш, бошқариш жараёнини мунтазам олиб боришга тўғри келган [3, 4]. Натижада водийлар гуллаб-яшнаган, боғ-роғларга айланган, деҳқончилик, чорвачилик ривожланган, янги шаҳарлар қурилган, қишлоқлар гўзаллашган. Лекин, шу қаторда сел келиши оқибатидаги сув босиб кетиш ҳоллари, вайронгарчилик ва турли хил зарарларнинг олдини олишдек оғир, машаққатли ҳолатлар ҳам бўлиб турган.

Аҳоли кўп асрлик ирригация фаолияти давомида сув манбаи булоқларини ҳам аҳволи ва ҳар хиллиги, уларнинг узоқ масофадан келиши ва серсувлиги, оқимнинг тезлиги, инсон ва табиат иқлими шароитларидан келиб чиққан ҳолда ирригацион гидротехник иншоотлар ва гидротехника тизимини қўллаб топишга ва такомиллаштиришга интиланган, ҳаракат қилган ва бунга эришиб борган [5].

Бу эришиб келаётган, пухта эгалланиб келинаётган ушбу соҳа албатта уни бажарувчилардан ўз ишига ниҳоятда масъулиятли, пухта билим ва тажрибали бўлишни, энг муҳими, ўз бажараётган касбини фидоий жонкуяри бўлишини талаб қиларди. Ушбу ўринда бунга мисол бўладиган ибратли бир воқеанинг баёнини беришни мақсадга мувофиқ деб билдик. Турон фанлар академияси президенти, Лейбниц номидаги Европа табиий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, “Нури Хўжанд” номли Марказий Осиё халқ академиясининг академиги, тарих фанлари доктори Ҳайдарбек Назирбекович Бобобеков берган маълумотда биринчи ўзбек аёл ирригатори ҳақида гап боради.

Воқеа XVIII асрнинг охирлари – XIX асрда бўлиб ўтган. Наманган вилояти ирригация тизимини Хўжабек исми тажрибали мироббоши бошқарган. Бу лавозим, албатта, эркаклар бажарадиган иш эди. Мироббоши Хўжабек сув тизимларини кўриб, айланиб чиқиш жараёнида ўзи билан

бирга баъзан ёш рафиқаси Ҳолбибини ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олар эди. Чунки Ҳолбиби Наманган вилояти бўйича сув тақсимлашдек мураккаб ишни бажаришни умр йўлдошини ёнида юриб, шу даражада яхши ўзлаштирган эдики, у кўпинча бу масъулиятли ишни бажаришда эрига ёрдам берар, баъзида эса, Хўжабек бошқа зарур ишлар билан банд бўлганда бу жойларни якка ўзи ҳам кўриқдан ўтказиб чиқар эди. Ҳатто бошқа мироблар ҳам шаҳар ва қишлоқларга сув тақсимоли ҳамда сувдан фойдаланиш каби мураккаб масалаларда Ҳолбиби билан тез-тез маслаҳатлашардилар [6]. Унинг обрўси шу даражада юқорилардики, унинг умр йўлдоши бир неча ой қаттиқ касалланиб ётиб қолганда якка ўзи Наманган вилоятини сув билан тақсимлаш ишида вақтинчалик раҳбарликни юқори даражада эплаб олиб борди ва шунда мироблар унинг маслаҳат ва кўрсатмаларига тўлиқ бўйсундилар.

1833 йилда Ҳолбибининг умр йўлдоши касаллик туфайли вафот этгандан сўнг, кўп ўтмай Наманган вилояти раҳбарияти янги мироббоши сайлаш учун вилоятдаги барча миробларни йиғди. Бу мажлисда эркаклар кийимини (тўн, этик ва телпагини) кийиб олган Ҳолбиби ҳам келиб қатнашди. Вилоят раҳбарияти мажлис аҳлидан мироббоши лавозимига энг тажрибали мироб номзодини кўрсатишларини таклиф қилди. Бир неча номзодлар номлари кўрсатилганда Ҳолбиби сўз сўраб, ўрнидан туриб номзодларга вилоятни сув билан таъминлаш муаммолари бўйича бир неча саволлар берди. Қарангки, номзодларнинг биронтаси Ҳолбибининг саволларига тўғри жавоб бера олмади. Бу ҳолат бир неча марта такрорланди. Шунда Наманган вилояти раҳбари Ҳолбибидан мажлис иштирокчиларидан бирорта номзодни ўзи кўрсатиб беришини илтимос қилди. Бу воқеанинг фаройиблиги шунда эдики, Ҳолбиби ҳеч ўйлаб турмасдан ўзининг номзодини кўрсатди. Мажлисдагиларнинг барчаси бараварига кулиб юборишди, лекин ҳеч ким унинг номзодини қайтаришга журъат эта олмади. Ҳолбиби албатта ҳақ эди, чунки у ушбу соҳанинг ягона ҳақиқий мутахассиси, устаси бўлиб етишган эди.

Ушбу ҳолатдан сўнг Наманган вилояти раҳбари Ўрта Осиё хонликлари тарихида биринчи бўлиб мироббоши лавозимига ўзбек аёли – Ҳолбиби номзодини тасдиқлади. Ҳолбиби мироббоши вазифасини умрининг охиригача фидоийлик ва жонкуярилик билан бажарди. Ҳолбибининг раҳбарлик фаолияти даврида ҳеч ким, ҳеч қачон у олиб борган иш жараёнларидан норози бўлмади ва шу соҳанинг барча ходимлари унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажариб боришди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳолбиби Қўқон хонларининг ҳузурига ўзининг соҳасидаги муаммолар билан бемалол кириб борар эди ва хонлар уни диққат билан тинглаб, барча талабларини қондирар эдилар. Ҳолбиби мироббоши 1861 йилда 68 ёшида вафот этган [6].

Юқорида баён этилган фикрлар ҳамда келтирилган ушбу тарихий воқеадан хулоса шуки, сув ҳаёт манбаи сифатида эзгу ва хайрли инсоний муносабатларни шаклланишида, инсоният ва бошқа жонзотларни ризқ-насиба билан таъминланишида, одамлар, давлатлар ва ҳукумдорлар ўртасида бир-бирини тушуниш, яхши, дўстона муносабатлар ўрнатишни муҳим омили бўлиб хизмат қилиб келган. Бу жараён албатта абадийдир, у ўтмишда ҳам ўзининг ниҳоятда мустаҳкам ўрнига эга ва келажакда ҳам бу жараён шундай етакчи бўлиб қолаверади.



**Хулосалар**

1. Инсоннинг ҳаёт фаолиятида энг муҳим, бебаҳо манба бўлган сувнинг чексиз, оламшумул аҳамияти, унга ниҳоятда онгли муносабатда бўлиш, уни тежамкорлик, айна вақтда самарадорлик билан ишлата билиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик масалалари таъкидланади.

2. Ўзбекистонда кўп асрлик деҳқончилик, ирригация, гидротехник иншоотлар қурилиши, сув мироблари соҳаларида йиғилган тажрибалар, бу йўналишдаги олимлар,

йирик мутахассислар яратиб кетган ихтиролар, янгиликлар мероси ҳозиргача қадрланиши эслатиб ўтилади.

3. Мақолада шунингдек, сувга муносабатда барча инсонларнинг, хусусан шу соҳа мутахассисларининг жонқуярлик, ишга жиддий муносабат, фидоийлик билан ёндошиш энг яхши натижаларга олиб келиши таъкидланади. Айна вақтда юқоридаги фазилатлар соҳиби бўлган биринчи ўзбек ирригатор аёл – Ҳолбиби мироббоши ва унинг ибратли фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

№	Reference	Адабиётлар
1	U.P.Umurzokov, I.P.Abdurakhimov. <i>Suv khuzhaligi menezhmenti</i> [Water resource management]. Tashkent, Iktisod-Moliya Publ., 2008. I. pp.9-12, 22-45. (in Uzbek)	Ў.П.Умурзоқов, И.П.Абдурахимов. Сув хўжалиги менежменти. - Тошкент: "Иқтисод-Молия".2008. I жилд. – Б. 9-12, 22-45.
2	<i>Uzbekiston milliy entsiklopediyasi</i> . [National Encyclopedia of Uzbekistan]. Tashkent, Uzbekiston milliy entsiklopediyasi Publ., 2004. pp. 84-96.	Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат миллий нашриёти, 2004. – Б. 84-96.
3	Sh.R.Khamraev, U.P.Umurzakov, A.T.Salokhiddinov, T.Z.Sultanov. <i>Suv, tinchlik va khavfsizlik muammolarining chambarchas bog'likligi</i> [Closely related to water, peace and security issues]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2017, no. 3(9). pp.5-10.	Ш.Р.Хамраев, Ў.П.Умурзақов, А.Т.Салохиддинов, Т.З.Султанов. Сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммоларининг чамбарчас боғлиқлиги // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2017 – № 3(9). – Б. 5-10.
4	<i>Suv – Uzbekiston kelazhagi uchun muhim khayotiy resurs</i> [Water is a vital resource for the future of Uzbekistan.]. BMT tarrakiyot dasturi. BMTTD. Tashkent, 2007.	Сув – Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс. БМТ тараққиёт дастури. БМТТД. – Тошкент, 2007.
5	T.Z.Sultanov, I.A.Begmatov. <i>Uzbekistonda sugorish tizimlarining rivozhlanish tarikhi</i> [History of development of irrigation systems in Uzbekistan]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2016, no. 1(3). pp.8-10.	Т.З.Султанов, И.А.Бегматов. Ўзбекистонда сугориш тизимларининг ривожланиш тарихи // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2016. – № 1(3). – Б. 8-10.
6	V.P.Nalivkin, M.I.Nalivkina. <i>Ocherk byta zjenshchin osedlo tuzemnogo naseleniya Fergany</i> [An outline of the life of women of the settled native population of Ferghana]. Kazan', 1886. 159 p.	В.П.Наливкин, М.И.Наливкина. – "Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы". – Казань. 1886. – 159 с.

УЎТ: 631.67:626.8

## ЃЎЗАНИ СУЃОРИШДА ПОЛИМЕР КОМПЛЕКСЛАР ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ

*М. Хамидов - қ.х.ф.д., профессор*

*Б. Суванов - қ.х.ф.д., доцент*

*К. Хамроев - мустақил тадқиқотчи*

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*

### Аннотация

Мақолада Бухоро воҳасининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида ғўза экилган тажриба даласида полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда 1-2-1 схемаси бўйича ғўза 4 маротаба суғорилди. Ғўза униб-чиқиш гуллашгача даврида 734 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан 1 маротаба суғорилди, гуллаш кўсак тугуш даврида 631–644 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари билан ғўза икки маротаба суғорилди, ҳосил пишиб етилган даврида 865 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди, мавсумий суғориш меъёри 2874 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 1754 м<sup>3</sup>/га суғориш суви тежалди, уларнинг ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ва бу суғориш технологиясини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

**Таянч сўзлари:** Ғўза, ҳосилдорлик, фенологик кузатувлар, агротехника, сув танқислиги, сув тежаш технологиялари, полимер комплексларни қўллаш, суғориш меъёри, мавсумий суғориш меъёри, чекланган дала нам сифими (ЧДНС), суғоришдан олдинги намлик, сизот сувлар, минерализация, суғориш техникаси, вегетация даври.

## ЭКОНОМИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ С ПОМОЩЬЮ ПРИМЕНЕНИЯ ПОЛИМЕРНЫХ КОМПЛЕКСОВ ПРИ ОРОШЕНИИ ХЛОПЧАТНИКА

*М. Хамидов, Б. Суванов, К. Хамроев*

*Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

### Аннотация

В статье рассматривается применение полимерных комплексов в условиях аллювиально-луговых почв при пред-поливной влажности 70-80-65 % от предельно-полевой влагоёмкости, во 2-ом варианте при схеме полива 1-2-1. В фазе всходов и цветения был проведен один полив поливной нормой 734 м<sup>3</sup>/га, в фазе цветения и плодобразования было проведено три полива нормами 631-644 м<sup>3</sup>/га, в фазе созревания был проведен один полив с поливной нормой 865 м<sup>3</sup>/га. Оросительная норма составила 2874 м<sup>3</sup>/га или относительно варианта контроля на 1754 м<sup>3</sup>/га меньше, что позволило сэкономить оросительную воду, так же приведены результаты проведенных опытов и их влияние на рост хлопчатника, развитие и урожайность.

**Ключевые слова:** хлопчатник, урожайность, фенологические наблюдения, агротехника, дефицит воды, водосберегающие технологии, применение полимерных комплексов, поливная норма, предельно-полевая влагоёмкость (ППВ), предполивная влагоёмкость, грунтовые воды, минерализация, техника орошения, вегетационный период.

## THE ECONOMY OF WATER RESOURCES WITH THE USE OF POLYMER COMPLEXES IN IRRIGATION OF A COTTON

*M. Khamidov, B. Suvanov, K. Khamroev - Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

### Abstract

The article deals with the use of polymer complexes in alluvial-meadow soils under the pre-determined humidity of 70-80-65% of the maximum field moisture capacity, in the second option with the 1-2-1 scheme in the Bukhara oasis. During the seedling and flowering phase, one irrigation irrigation norm was performed at 734 м<sup>3</sup>/ha; during the blooming and fruit cultivation phase, three irrigation operations were performed with irrigation norms of 631-644 м<sup>3</sup>/ha, one irrigation with a watering rate of 865 м<sup>3</sup>/ha was performed during the maturation phase. The irrigation norm was 2874 м<sup>3</sup>/ha or, relative to the control variant, by 1754 м<sup>3</sup>/ha less, which allowed saving manual water, as well as the results of the conducted experiments and their impact on cotton growth, development and yield.

**Key words:** cotton, yield, phenological observations, agricultural technology, water scarcity, water-saving technologies, application of polymer complexes, irrigation rate, maximum field capacity, pre-water capacity, groundwater, mineralization, irrigation technique, vegetation period.



**Кириш.** Дунёда аҳоли сони шиддат билан ўсаётган, Киктисодиёт тармоқларининг жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда табиий неъматлар – сув ва ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда.

Шундай мураккаб шароитда улардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолати ҳамда унумдорлигини яхшилаш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш – давр талабидир.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” бандида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш сингари муҳим масалалар бугунги кунда соҳа олдидаги асосий вазифалар эканлигини таъкидланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йиллар даврида ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3405-сонли [2] Қарорида таъкидланишича, юртимизда 4487 километр ирригация тизими каналларини, 5250 километр суғориш тармоғини, 3636 та гидротехника иншоотларини, 495 та насос станциялари (агрегатлари)ни ва 1500 та тик суғориш қудуқларини, шунингдек, 7500 километр коллектор-зовур шохобчаларини, 13 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 185 та тик зовур қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш талаб этилади. Бугунги кунда 167 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ниҳоятда паст даражада қолмоқда, 1957 минг гектар суғориладиган ерларни турли даражада шўрланган, шу жумладан, 542 минг гектари ўртача ва 99 минг гектари кучли шўрланган ерлардир. Юқоридагилар инобатга олинган ҳолда ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қайта тиклашнинг комплекс чора-тадбирлари дастури ҳамда прогноз-параметрлари тасдиқланди. Шунингдек, биргина томчилатиб суғориш тизими ҳамда сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ҳисобига 2018 йилда 46 млн/м<sup>3</sup>, 2019 йилда 60 млн/м<sup>3</sup>, жами 106 млн/м<sup>3</sup> сув тежалади.

Тадқиқотнинг мақсади: Бухоро воҳасининг ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида суғоришда полимер комплексларнинг сув ресурсларини тежашга, ғўзанинг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдир.

Тадқиқотнинг вазифалари: Суғоришда полимер комплекслар қўллаш орқали сув ресурсларини иқтисод қилиш технологияларини жорий этишда қуйидаги вазифаларни тадқиқ этиш кўзда тутилган:

- тажриба ўтказиладиган жойнинг тупроқ шароитлари (тури, механик таркиби, сув-физик хоссалари ва унумдорлиги) ни ўрганиш;

- тажриба ўтказилган жойнинг гидрогеологик ва мелиоратив шароитларини ўрганиш;

- сизот сувлари сатҳи 1,5–2,0 м, минерализацияси

1–3 г/л бўлган ўрта қумоқ тупроқлар шароитида полимер комплекслардан фойдаланиш;

- ғўза тажриба даласи сизот сувлари сатҳи ва минерализациясининг ўзгаришига полимер комплекслар ва бу усуллардаги суғориш тартиби таъсирини ўрганиш;

- полимер комплексларни қўллаганда ғўзанинг суғориш тартибини ўрганиш;

- ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлигига тупроққа полимер комплекслар қўшиб суғоришнинг таъсирини ўрганиш.

**Ишнинг бажарилиш услуби:** Дала, лаборатория тадқиқотлари ва фенологик кузатувлар Пахта селекцияси, уруғчилигини етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ 2007 йил)га асосан олиб борилди.

**Илмий янгилиги:** Бухоро воҳасининг сизот сувлари сатҳи 1,5–2,0 м, минерализацияси 1–3 г/л бўлган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида суғоришда полимер комплексларни ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсири ўрганилган ҳолда сув ресурсларини тежаш, агротехник тадбирларни 1–2 мартага камайтириш, атроф-муҳитнинг эколого-мелиоратив ҳолати ёмонлашининг олдини олиш, суғориш меъёрини камайтириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ушбу сув тежовчи технологияларнинг жорий қилиниши билан ҳозирги сув ресурслари тақчиллашиб бораётган даврда сувдан мақсадли ва самарали фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда.

Сув танқислиги шароитида сув ресурсларини тежаш, 1 м<sup>3</sup> дарё сувининг самарадорлигини ошириш мақсадида суғоришда полимер комплексларни қўллаш, уларнинг ғўзанинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлигига ва ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсирини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Дала тажрибалари ТИҚХММИ Бухоро филиали ўқув илмий марказининг суғориладиган ерларининг энг катта майдонни ташкил қилувчи ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ва сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 1,5–2,0 м бўлган

1-жадвал

Тажриба тизими

№	Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги, ЧДНС га нисбатан %	Суғориш усули	Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га
1.	Ишлаб чиқариш назорати	Эгатлаб, полимер комплексларсиз суғориш	Амалдаги ўлчовлар
2.	70-80-65%	Эгатлаб, полимер комплекслар қўллаб суғориш	0–100 см қатламдаги намлик дефицити бўйича
3.	80-80-65%	Эгатлаб, полимер комплекслар қўллаб суғориш	0–100 см қатламдаги намлик дефицити бўйича

шароитда ғўзанинг "Бухоро-6" навининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилди. Тажрибалар қуйидаги тизимларда амалга оширилди (1-жадвал).

Тажриба даласи тупроғининг механик таркиби Н.А.Качинский тавсифи бўйича ўрта ва энгил қумоқ механик таркибли тупроқлар турига киради.

Тажриба даласи тупроғининг ҳажмий оғирлиги вегетация бошида тупроқнинг 0–30 см, 30–50 см қатламларининг ҳажмий оғирлигини миқдори 1,31–1,36 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилди. Вегетация охирига бориб, ишлаб чиқариш назоратида тупроқнинг 0–30 см, 30–50 см қатламларининг ҳажмий оғирлигининг миқдори 1,35–1,39 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди ва энг кўп миқдорга – 0,03–0,04 г/см<sup>3</sup> га ортди. Вегетация охирига бориб полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65 % бўлган 2-вариантда тупроқнинг 0–30 см, 30–50 см қатламларининг ҳажмий оғирлиги 1,32–1,37 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди. Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0,01 г/см<sup>3</sup> га, яъни энг кам миқдорга ортлиши аниқланди. Вегетация охирига бориб, полимер комплекслар қўлланилган тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-65 % бўлган 3-вариантда тупроқнинг 0–30 см, 30–50

см қатламларининг ҳажмий оғирлиги 1,33–1,37 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди ва 0,01–0,02 г/см<sup>3</sup> га ортлиши аниқланди.

Тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлик олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, вегетация бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 987 м<sup>3</sup>/га ёки 0,274 мм/мин. га тенг бўлди.

Вегетация даври охирига келиб, энг юқори сув ўтказувчанлик полимер комплекслар қўлланилган 2-вариантда кузатилди ва тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 900 м<sup>3</sup>/га. ни ёки 0,250 мм/мин. ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич назорат вариантга нисбатан 119 м<sup>3</sup>/га, 0,033 мм/мин. га ортиқ бўлди (1-расм).

Вегетация даври охирига келиб, полимер комплекслар қўлланилган 3-вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 881 м<sup>3</sup>/га. ни ёки 0,245 мм/мин. ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич назорат вариантга нисбатан 100 м<sup>3</sup>/га, 0,028 мм/мин. га ортиқ бўлди.

Тупроқда суғориш олди намлик, белгиланган намликдан 2% атрофидаги фарқ билан сақлаб туришга эришилди.

2-жадвалдаги маълумотларга кўра, 1-назорат вариантда ғўза 1-2-1 схемаси бўйича, униб-чиқишдан гуллаш

2-жадвал

**Ғўзани суғориш ва сув бериш меъёрлари**

Вариантлар	Кўрсаткичлар	Суғоришлар, сони					Суғориш тизими	Мавсумий суғориш меъёрлари, м <sup>3</sup> /га
		1	2	3	4	5		
1	Суғориш санаси	16.06	10.07	05.08	31.08		1-2-1	4628
	Суғоришлар ораси, кун		24	25	26			
	Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	1120	1184	1236	1088			
2	Суғориш санаси	20.06	11.07	03.08	28.08		1-2-1	2874
	Суғоришлар ораси, кун		21	23	25			
	Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	734	644	631	865			
3	Суғориш санаси	11.06	01.07	21.07	11.08	04.09	1-3-1	3308
	Суғоришлар ораси, кун		20	21	22	24		
	Суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	578	631	625	628	846		



1-расм. Тажриба даласида суғоришдан олдин полимер комплексни сепиш жараёни

гача даврида 1120 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди, гуллаш кўсак тугуш даврида 1184–1236 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари билан икки маротаба суғорилди ва ҳосил пишиб етилган даврида 1088 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри 4628 м<sup>3</sup>/га иборат бўлган турт маротаба суғориш ишлари олиб борилди. Суғоришлар ўртасидаги давр 24–26 кунга тенг бўлди.

Полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда 1-2-1 схемаси бўйича ғўза 4 маротаба суғорилди. Ғўза униб-чиқишдан гуллашгача даврида 734 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан 1 маротаба суғорилди, гуллаш кўсак тугуш даврида 631–644 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари билан ғўза икки маротаба суғорилди ва ҳосил пишиб етилган даврида 865 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри 2874 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 1754 м<sup>3</sup>/га дарё суви тежалиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлигига қараб суғоришлар ўртасидаги давр 21–25 кунга тенг бўлди (2-расм).

Полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-65% бўлган 3-вариантда 1-3-1 схема бўйича ғўза 5 маротаба суғорилди. Ғўза униб-чиқишдан гуллашгача даврида 578 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди, гуллаш кўсак тугуш даврида 625–631 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан уч маротаба ғўза суғорилди ва ҳосил пишиб етилган даврида 846 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри 3308 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 1320 м<sup>3</sup>/га суғориш суви тежалди. Полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлигига қараб суғоришлар ўртасидаги давр 20–24 кунга тенг бўлди [3].


**Ғўзанинг ўсиб-ривожланишига полимер комплекслар ва суғориш тартибларининг таъсири.** Ғўза экилган тажриба ва назорат далаларидаги кузатувлар тажриба вариантларнинг орасида ғўза кўчати қалинлиги-

да тафовут йўқлигини кўрсатади. Полимер комплекслар қўлланилган, тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда вегетация бошида ғўза кўчатнинг қалинлиги гектар бошига 94,1 минг тупни ташкил этган бўлса, вегетация охирига бориб кўчатнинг қалинлиги гектарига 92,2 минг туп ташкил қилди ёки 1,9 минг тупга камайиши кузатилди. Ғўзанинг бўйи 95,5 см. ни, ҳосил шохлари 13,4 донани, кўсакларининг сони 11,1 донани ва 1 сентябрда очилган кўсаклар сони 6,4 донани ташкил қилиб, тажрибанинг бошқа вариантларига нисбатан ўсиб-ривожланишда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлди ва назорат вариантыга нисбатан ҳосил шохлари 0,6 донага, кўсакларининг сони 0,7 донага ва очилган кўсаклар сони 0,6 донага кўп бўлди.

Ғўза экилган тажриба даласида полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-65% бўлган 3-вариантда вегетация бошида ғўза кўчатнинг қалинлиги гектар бошига 93,6 минг тупни ташкил этди ва вегетация охирига бориб кўчатнинг қалинлиги гектарига 92,0 минг туп ташкил қилди ёки 1,6 минг тупга камайиши кузатилди. Ғўзанинг бўйи 93,6 см, ҳосил шохлари 13,1 донани, кўсакларининг сони 10,6 донани, 1 сентябрда очилган кўсаклар сони 6,2 донани ташкил этди [4].

**Ғўза ҳосилдорлигига полимер комплекслар ва суғориш тартибларининг таъсири.** Ғўза экилган тажриба ва назорат далаларида "Бухоро-6" ғўза навидан олинган пахта ҳосили бўйича маълумотлар 3-расмда келтирилган бўлиб, назорат вариантыда 1 ц пахта етиштириш учун бошқа вариантларга нисбатан кўп – 130,7 м<sup>3</sup> дарё суви сарфланди ва нисбатан кам – 35,4 ц/га ҳосил олинди.


Ғўза экилган тажриба даласида полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда 1 центнер пахта етиштириш учун энг кам – 71,7 м<sup>3</sup> дарё суви сарфланиб, энг кўп – 40,1 ц/га ғўза ҳосили олинди. Бу назорат вариантыга нисбатан 4,7 ц/га кўпдир. Ғўза экилган тажриба даласида полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисба-



2-расм. Ғўзанинг вариантлар бўйича мавсумий суғориш меъёрлари, м<sup>3</sup>/га

тан 80-80-65% бўлган 3-вариантда 1 ц пахта етиштириш учун 88,2 м<sup>3</sup> дарё суви сарфланиб, 37,5 ц/га пахта олинди. Ғўза ҳосили бувариантда назорат вариантыга нисбатан 2,1 ц/га кўп бўлди (3-расм).

Таҳқиқот натижалари, суғоришни полимер комплекслар қўллаб, илмий асосланган суғориш тартибида амалга оширилиши, "Бухоро-6" ғўза навининг энг юқори ҳосилдорлигини таъминлаш билан, мавсумда одатдаги бериладиган дарё суви миқдорини тежаш имкониятини яратди [5, 6, 7, 8].



**3-расм. Ғўзанинг вариантлар бўйича ҳосилдорлиги, ц/га**

**Хулосалар.** Бухоро воҳасининг қадимдан суғорилиб келинаётган ўтлоқи аллювиал тупроқларида ғўзани суғоришда янги сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, суғориш тартибини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни қабул қилиш мумкин:

1. Ғўза экилган тажриба даласида вегетация бошида тупроқнинг 0–30 см, 30–50 см қатламларининг ҳажмий оғирлиги 1,31–1,36 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилди. Вегетация охирига бориб, полимер комплекслар қўлланилганда, тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда тупроқнинг 0–30 см, 30–50 см қатламларининг ҳажмий оғирлиги 1,32–1,37 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этди. Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0,01 г/см<sup>3</sup> га ортиши аниқланиб, бу кўрсаткич бошқа вариантларга нисбатан энг кам бўлди.

2. Ғўза экилган тажриба даласи тупроғининг сув ўтказувчанлиги вегетация бошида 6 соат давомида 987 м<sup>3</sup>/га ёки 0,274 мм/мин. ни ташкил қилди. Вегетация даври охирига келиб полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 900 м<sup>3</sup>/га ни ёки 0,250 мм/мин ни ташкил қилди ва бу кўрсаткич назорат вари-

антига нисбатан 119 м<sup>3</sup>/га, ёки 0,033 мм/мин. га ортиқ бўлди.

3. Ғўза экилган тажриба даласида полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда 1-2-1 схема си бўйича ғўза 4 маротаба суғорилди. Ғўза униб-чиқиш, гуллашгача даврида 734 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан 1 маротаба суғорилди, гуллаш кўсак тугуш даврида 631–644 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрлари билан ғўза икки маротаба суғорилди, ҳосил пишиб етилган даврида 865 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди, мавсумий суғориш меъёри – 2874 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил қилди ёки назорат вариантыга нисбатан 1754 м<sup>3</sup>/га суғориш суви тежалди.

4. Ғўза экилган тажриба даласида полимер комплекслар қўлланилганда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-65% бўлган 2-вариантда вегетация бошида ғўза кўчатнинг қалинлиги гектар бошига 94,1 минг тупни ташкил этган бўлса, вегетация охирига бориб кўчатининг қалинлиги гектарига 92,2 минг тупни ташкил қилди ёки 1,9 минг тупга камайиши кузатилди. Ғўзанинг бўйи 95,5 см. ни, ҳосил шохлари 13,4 донани, кўсакларининг сони 11,1 донани ва 1-сентябрда очилган кўсаклар сони 6,4 донани ташкил қилиб, тажрибанинг бошқа вариантларига нисбатан ўсиб-ривожланишда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлди ва назорат вариантыга нисбатан ҳосил шохлари 0,6 донага, кўсакларининг сони 0,7 донага ва очилган кўсаклар сони 0,6 донага кўп бўлди.

5. Ғўза экилган тажриба даласида полимер комплекслар қўлланилганда 1 центнерпахта етиштириш учун энг кам: 71,7 м<sup>3</sup> дарё суви сарфланиб, энг кўп – 40,1 ц/га пахта ҳосили олинди. Бу назорат вариантыга нисбатан 4,7 ц/га. га кўпдир.

№	Reference	Адабиётлар
1	Mirzиеev Sh.M. 2017-2021 yillarda Uzbekiston Respublikasining rivozhlantirishning beshta ustuvor yunalishi buyicha Xarakteratlar strategiyasini "Khalk bilan mulokot va inson manfaatlarini yili"da amalga oshirishga oid davlat dasturini uzgarishi [The change of the state program on implementation of the Strategy of Action in the five priorities of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 in the year of "Dialogue with the people and human interests"]. Tashkent, Uzbekiston Publ., 2017. 243 p.	Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид давлат дастурини ўзгартириши. – Тошкент, Ўзбекистон. 2017. – 243 б.
2	Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 noyabrdagi "2018-2019 yillar irrigatsiyani rivozhlantirish va sugoriladigan erlarning meliorativ kholatini yaxshilash chora-tadbirlari tugrisida"gi PK-3405-sonli qarori Resolution No. PQ-3405 "On Measures for the Development of Irrigation for 2018-2019 and the Ameliorative Condition of Irrigated Lands".]. (in Uzbek)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги "2018-2019 йиллар ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3405-сонли қарори.

3	Akhmedzhonov D.G. <i>Oroshenie kholopchatnika s primeneniem polimer-polimernykh kompleksov v usloviyakh stepnykh zon</i> [Cotton irrigation using polymer-polymer complexes in steppe zone conditions]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2015, no. 01. pp.23-27.	Ахмеджонов Д.Г. Оррошение хлопчатника с применением полимер-полимерных комплексов в условиях степных зон // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2015. – № 01. – Б. 23-27.
4	Akhmedzhonov D.G. <i>Ustanovlenie polivnoy normy kholopchatnika pri polive cherez ekran iz interpolimernogo kompleksa s dobavleniem mineralov</i> [Establish irrigation rates of cotton when watering through a screen from an interpolymer complex with the addition of minerals]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2016, no. 03(5). pp.28-30.	Ахмеджонов Д.Г. Установление поливной нормы хлопчатника при поливе через экран из интерполимерного комплекса с добавлением минералов // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2016. – № 03(5). – Б. 28-30.
5	Khamidov M.Kh., Zhalolov A. <i>Suv resurslarini okilona boshkarish, ularni iktisod kilish va samarali foydalanish muammolari</i> [The rational management of water resources, economic and effective use of problems]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2015, no. 01. p. 33.	Хамидов М.Х., Жалолов А. Сув ресурсларини оқилона бошқариш, уларни иқтисод қилиш ва самарали фойдаланиш муаммолари// "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2015. – № 01. – 33 б.
6	<a href="http://www.agrovetpress@inbox.ru">http://www.agrovetpress@inbox.ru</a> (journal Agrarian science)	<a href="http://www.agrovetpress@inbox.ru">http://www.agrovetpress@inbox.ru</a> (Аграрная наука журналы)
7	<a href="http://www.fao.org/home/en/">http://www.fao.org/home/en/</a> (Food and Agriculture Organization)	<a href="http://www.fao.org/home/en/">http://www.fao.org/home/en/</a> (Food and Agriculture Organization)
8	<a href="http://www.iwmi.cgiar.org/">http://www.iwmi.cgiar.org/</a> (International Water Management Institute)	<a href="http://www.iwmi.cgiar.org/">http://www.iwmi.cgiar.org/</a> (International Water Management Institute)

УЎТ: 633.51:631/52

## ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА ҒЎЗАНИНГ ЎРТА ТОЛАЛИ “АНДИЖОН-36”, С-6541 НАВЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИГА СУҒОРИШ ВА ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

А.С. Шамсиев – қ.х.ф.д., к.и.х.

Пахта селекцияси, урғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Н.Қ. Ражабов – ассистент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### Аннотация

Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида «Андижон-36» ва С-6541 ғўза навларининг мақбул суғориш ва ўғитлаш (NPK) меъёрларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Мақолада типик бўз тупроқларда "Андижон-36" ғўза навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСага нисбатан 65-65-60% тартибда 1-2(3)-1(2) тизимда амал даврида 4-6 марта суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари эса 4450–5890 м<sup>3</sup>/га, С-6541 ғўза навини 70-70-60% тартибда 1-3(4)-1(2) тизимда 5–7 марта, мавсум давомида 4730-5990 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш ҳамда ҳар иккала ғўза нави учун минерал ўғитлар меъёрини N<sub>190</sub> P<sub>133</sub> K<sub>95</sub> кг/га меъёрда белгилаш тавсия этилган. "Андижон-36" ва С-6541 ғўза навларини суғоришни май ойининг охири, июнь ойи биринчи ўн кунликларида бошланиши, охири суғоришни эса сентябрь ойининг биринчи беш кунлиги ва биринчи ўн кунликларида ўтказиш, суғоришлар давомийлиги ғўзанинг риво-жланиш фазалари бўйича гуллашгача 20–24 соатгача; гуллаш-ҳосил тўплашда 26–35 соатгача; пишиш-кўсақларнинг очилиши фазасида эса 21–31 соатни ташкил этиши, ҳар бир суғоришлар оралиги 12–28 кунни ташкил этилиши тавсия этилган.

**Таянч сўзлар:** суғориш тартиби, минерал ўғит меъёрлари, суғориш давомийлиги, суғориш оралиги, типик бўз тупроқлар.

## ВЛИЯНИЕ РЕЖИМА ОРОШЕНИЯ И НОРМЫ УДОБРЕНИЙ НА УРОЖАЙ ХЛОПКА-СЫРЦА СОРТОВ СРЕДНЕВОЛОКНИСТОГО ХЛОПЧАТНИКА «АНДИЖАН-36», С-6524 В УСЛОВИЯХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМНЫХ ПОЧВ

А.С. Шамсиев

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Н.К. Ражабов - Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

Научно-исследовательские работы по изучению оптимальных режимов орошения и нормы минеральных удобрений (NPK) для сортов хлопчатника «Андижон-36» и С-6541 проводились в условиях типичных сероземных почв Ташкентской области. В статье для сорта хлопчатника «Андижан-36» в условиях типичных сероземных почв при предполивной влажности почвы 65-65-60% от ППВ рекомендовано проводить орошение 4–6 раз по схеме 1-2(3)-1(2) при предполивной влажности почвы 65-65-60% от ППВ с оросительной нормой 4450–5890 м<sup>3</sup>/га, а при тех же показателях хлопчатника сорта С-6541 рекомендуется проводить орошение при предполивной влажности почвы 70-70-60% от ППВ 5–7 раз по схеме 1-3 (4) -1 (2) с оросительной нормой 4730-5990 м<sup>3</sup>/га и внесением минеральных удобрений для обоих сортов нормой N<sub>190</sub> P<sub>133</sub> K<sub>95</sub> кг/га. Рекомендуется начинать орошение хлопчатника сорта «Андижан-36» и С-6541 в конце мая, в первой декаде июня, а завершить орошение в первые пять дней или в первую декаду сентября. Продолжительность орошения до фазы цветения должна составлять до 20–24 часов; во время фазы цветения-набора урожая – 26–35 часов, созревания-раскрытия коробочек – 21–31 час, а межполивной период – 12–28 дней.

**Ключевые слова:** режим орошения, нормы минеральных удобрений, продолжительность полива, межполивной период, типичные сероземные почвы.

## INFLUENCE OF IRRIGATION REGIME AND FERTILIZER NORMS ON THE YIELD OF "ANDIJAN-36", S-6524 VARIETIES OF AVERAGE FIBER COTTON UNDER THE CONDITION OF TYPICAL SEEDIC SOILS

A.S.Shamsiev - Research Institute of Selection, seed production and cotton growing agrotechnology

N.K.Rajabov - Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

On the condition of typical sierozem soils of Tashkent province the research were conducted to study the optimal irrigation and fertilizer application scheduling of Andijan-36 and S-6541 cotton varieties. The paper presents materials that on sierozem soils, it was recommended to irrigate cotton variety Andijan-36 with irrigation scheduling 65-65-60% Fc, irrigation scheme 1-2(3)-1(2) with 4 to 6 irrigation events, seasonal irrigation norm were 4450 to 5890 m<sup>3</sup> ha-1, on cotton variety S-6541 with irrigation scheduling 70-70-60% Fc, irrigation scheme 1-3(4)-1(2) with 5 to 7 irrigation events, seasonal irrigation norm totaled 4730 to 5990 m<sup>3</sup> ha-1 and in both cotton varieties optimal fertilizer application rate was N<sub>190</sub> P<sub>133</sub> K<sub>95</sub> kg ha-1. It was recommended to begin the irrigation events at the end of May, in the first decade of June months, the last irrigation events was considered to finish at the first 5 and 10 days of September months, irrigation duration till flowering 20 to 24 hours, flowering – yield accumulation 26 to 35 hours, maturation – boll opening phase 21 to 31 hours, irrigation intervals 12 to 28 days were recommended.

**Key words:** irrigation scheduling, mineral fertilizer rates, duration of irrigation, irrigation intervals, typical sierozem soils.





**Кириш.** Бугунги кунда дунё миқёсида пахта хомашёсини етиштириш ҳажмининг асосий қисми 5 та давлат, яъни Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келмоқда. International Cotton Advisory Committee (ICAC) маълумотларига кўра, 2017 йилда дунёда пахта хомашёси етиштириш ҳажми 23 млн. тоннани ташкил этган ва йиллик меъёрга нисбатан 4 фоизга ошганлиги кузатилган [1]. Хорижий пахтачилик минтақаларда ғўзанинг тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли ғўза навларини яратиш ва етиштириш агротехнологиялари тизимида суғориш сувлари ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Дунё пахтачилигида ғўзани етиштириш агротехника тадбирларида суғориш ва минерал ўғитларни мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш орқали тупроқ намлигини мақбуллаштириш ҳамда ўсимлик томонидан ўғитлардан фойдаланиш коэффицентини ошириш имконияти яратилади. Пахтачиликда ғўза навларини узоқ муддатларда турғун экилиши қўлланилаётган агротехнологик жараёнларга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ўсимликни ўсув даврида суғориш сувлари ва озика моддаларга бўлган физиологик талабининг тўлиқ қондирилиши натижада кўсақларни йиритиш ва толаннинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлишига эришилади.

Республикамизда охириги йилларда бир қатор тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги ғўза навлари яратилмоқда. Мазкур ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. ПСУЕАИТИ олимлари томонидан ўтказилган ғўза навлари агротехникаси йўналишидаги тадқиқотларда ҳам мақбул сув-озика меъёрларини ишлаб чиқиш зарурияти ўта муҳимлиги, бунда эгат бўлаклари бўйича ҳам ғўза ҳосилдорлиги ўзгаришлари кузатилиши таъкидланган [2, 3, 4]. Янгидан яратилган ғўза навларини суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилиб, кенг майдонларда қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароити учун яратилган янги ғўза навлари учун етиштиришнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар муҳим бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот объекти ва услубиёти.** Тадқиқот ишлари Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларида, ер ости сувлари 18–20 метрдан чуқур жойлашган ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба участкаси далаларида, ишлаб чиқариш тажрибалари Бўка, Пискент туманларидаги фермер хўжаликлари далаларида ўтказилди.

Тажрибага қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун далада белгиланган изланишлар ўтказилди, уларда ўрта толали С-6541 (андоза), “Андижон-36”, С-6541 ғўза навларининг озика (NPK) меъёрлари ва суғориш тартиблари ўрганилди. Ўрганилган ғўза навлари асосий экин сифа-

тида экилиб, дастур асосида парваришланди (1-жадвал).

Тадқиқотларда барча кузатув ва таҳлиллар ПСУЕАИТИнинг дала тажрибаларини ўтказиш услубларига асосан олиб борилди [4].

1-жадвал

**Тажриба тизими**

Вариант тартиби	Ўза навлари	Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДН <sub>Cга</sub> нисбатан, % ҳисобида	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га		
			N	P	K
1	С-6524 Назорат	70-70-60	200	140	100
2	Андижон-36	65-65-60	160	112	80
3			190	133	95
4	С-6541	70-70-60	160	112	80
5			190	133	95
6			160	112	80
7	Андижон-36	70-70-60	190	133	95
8	С-6541		160	112	80
9	Андижон-36	70-75-60	190	133	95
10			160	112	80
11			190	133	95
12			160	112	80
13	С-6541	70-75-60	190	133	95

Тажриба даласида тупроқнинг дастлабки агрохимёвий тафсилоти бўйича 0–30, 30–50 см тупроқ қатламларида гумус миқдори 0,965 фоиздан 0,690 фоизгача бўлиб, пастки қатламларига қараб камайиб бориши кузатилди. Тупроқ таркибидаги азотнинг миқдори гумуснинг миқдorigа мутаносиб равишда ўзгарди. Олинган маълумотларга кўра, тажриба даласи тупроғи озика моддаларининг ҳаракатчан шакллари азот ва фосфор билан кам даражада, алмашувчи калий билан эса ўртача даражада таъминланганлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.** Тадқиқот даласи тупроғининг агрофизикавий хоссаларидан ҳажм массаси, солиштирама оғирлиги, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги ва дала нам сифими аниқланди. Тупроқнинг ҳажм массаси баҳорда амал даври бошидагига нисбатан охирида ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, тупроқнинг ҳажм массаси 0–30 см қатламда 65-65-60% тартибда суғорилганда 0,02 г/см<sup>3</sup> га, 70-70-60% тартибда суғорилганда 0,03 г/см<sup>3</sup> га, 70-75-60% тартибда суғорилганда 0,04 г/см<sup>3</sup> га, 0–100 см қатламда эса ҳар бир суғориш тартибида тегишлича 0,02–0,05 г/см<sup>3</sup> га ошганлиги кузатилди.

Олиб борилган уч йиллик тадқиқот натижаларига кўра, ҳар йили ўтказилган агротехник тадбирлар, айниқса, суғоришлар натижазида мавсум охирида тупроқ ҳажм массасининг бироз ортганлиги кузатилди. Тадқиқот йилларида



**1-расм. Тажиба даласи тупроғининг агрофизикавий ва сув-физик хоссалари бўйича кузатувлар жараёни**

тупроқнинг ғоваклиги йилдан-йилга 0,3–0,8 фоизга камайиши, яъни тупроқ нисбатан зичлашганлиги кузатилди.

Тажиба йилларида амал даври бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соатда ўртача 899–904 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил этди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги амал даври бошидан ўсув даври охирига келиб жами олти соат давомида ЧДНСга нисбатан 65-65-60% суғориш тартибида ўртача 96–106 м<sup>3</sup>/га, 70-70-60% суғориш тартибида 116–121 м<sup>3</sup>/га, 70-75-60% суғориш тартибида 152–159 м<sup>3</sup>/га камайганлиги кузатилди.

Тажиба даласи тупроғининг дала нам сиғими ўртача 2009–2011 йиллар давомида 0–70 см қатламда 21,7–21,9%, 0–100 см қатламда 21,9–22,0% оралиғида бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқотларда суғориш муддати ва меъёрини белгилаш учун тупроқ намлиги ҳисобий қатламларда яъни ўсимлик униб чиққандан гуллаш фазасигача ва пишиш даврида 0–70 см қатламдан, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида эса 0–100 см қатламдан аниқланди.

Уч йиллик (2009–2011 йй.) тадқиқотлар натижаларига кўра, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда ғўзани амал даврида 4-6 марта 1-2-1, 1-3-1, 1-3-2 тизимлар бўйича суғорилди. Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда суғоришлар сони камлиги ва оралиғи узоклиги (17-27 кун) тупроқ намлигининг 60,8–66,2% оралиғида бўлганлиги билан изоҳланади. Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда амал даврида 5–7 марта 1-3-1, 1-4-1, 1-4-2 тизимлар бўйича суғорилди.

"Андижон-36" ғўза нави (65-65-60%) 1-2-1, 1-3-1, 1-3-2 тизимлар бўйича бир марталик суғориш меъёри 810–1180 м<sup>3</sup>/га, мавсумий суғориш меъёри эса 4450–5890 м<sup>3</sup>/га, ўсув давлари бўйича суғориш давомилиги 22–35 соатни, суғориш оралиғи 17–27 кунни ташкил этган. С-6541 ғўза нави ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда 1-3-1, 1-4-1, 1-4-2 тизимлар бўйича 5–7 марта суғорилган, ҳар бир суғоришда 680–990 м<sup>3</sup>/га, мавсум давомида 4730–5990 м<sup>3</sup>/га миқдорда сув сарфланган, суғориш давомилиги 20–33 соатни, суғориш оралиғи 13–27 кунни ташкил этди. Суғоришнинг ушбу мақбул муддат ва меъёрлари

қўлланилганда юқори ва сифатли пахта ҳосили олишга эришилди.

Тадқиқот ўтказилган йилларда об-ҳаво шароитининг турлича бўлиши, мавсумий суғориш меъёрларига ўз таъсирини кўрсатди.

Тадқиқотларда 1 центнер пахта ҳосили учун сарфланган сув сарфи суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да мавсумий суғориш меъёри 5990 м<sup>3</sup>/га.ни, умумий сув сарфи эса 6545,5 м<sup>3</sup>/га. ни ташкил этди. 1 центнер пахта ҳосили учун сарфланган мавсумий сув миқдори навлар бўйича ушбу суғориш тартибида юқори ҳосил олинган вариантларда тегишлича 145,3 м<sup>3</sup>/ц, 142,3 м<sup>3</sup>/ц. ни, умумий сув сарфида 158,8 м<sup>3</sup>/ц, 155,4 м<sup>3</sup>/ц. ни ташкил этди.

2011 йилги маълумотларда ушбу суғориш тартибида 1 центнер пахта ҳосили учун энг кам сув сарфи С-6541 навида қайд этилиб, бу ўғит меъёрлари N<sub>190</sub>P<sub>133</sub>K<sub>95</sub> кг/га қўлланилганда мавсумий сув миқдорига нисбатан 142,3 м<sup>3</sup>/ц. ни, умумий сув миқдори эса 155,5 м<sup>3</sup>/ц.ни ташкил қилди. Суғориш тартибининг ортиши билан, барча вариантларда сув сарфи мутаносиб равишда ортиб борганлиги кузатилди.

Тадқиқотларда ўрганилган "Андижон-36" ғўза нави учун мақбул тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан тегишлича 65-65-60%, минерал ўғит меъёрлари N<sub>190</sub>P<sub>133</sub>K<sub>95</sub> кг/га қўлланилганда, ўртача уч йилда 35,3 ц/га пахта ҳосили олишга эришилди. С-6541 ғўза нави учун эса мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан тегишлича 70-70-60% бўлиб, минерал ўғит меъёрлари N<sub>190</sub>P<sub>133</sub>K<sub>95</sub> кг/га қўлланилганда ўртача уч йилда 34,6 ц/га пахта ҳосили олишга эришилди. С-6541 ғўза навининг ҳосилдорлиги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоизга тартибдан 65-65-60% тартибга камайтирилганда ва 70-75-60% гача оширилганда камайиб бориши кузатилди (2-жадвал).

Минерал ўғит меъёрларини N<sub>160</sub>P<sub>112</sub>K<sub>80</sub> кг/га дан N<sub>190</sub>P<sub>133</sub>K<sub>95</sub> кг/га. гача ошириш билан суғориш тартибларидан қатъий назар ҳар иккала ғўза навларининг пахта ҳосили ортиб борганлиги аниқланди. Лекин, "Андижон-36" ғўза навининг ҳосилдорлиги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибдан 70-70-60% ва 70-75-60% тартибгача ортиши билан камайиб бориши кузатилди. Бу эса ғўза навининг бошқа навларга нисбатан сувга талаби бирмунча пастроқлиги ва илдиз тизими кучли ривожланиши билан изоҳланади.

"Андижон-36" ғўза навида тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60 фоиздан 70-75-60 фоизгача ортиши билан ўртача уч йиллик пахта ҳосили 1,8 ц/га камайиб борганлиги қайд этилди. С-6541 ғўза нави ҳосилдорлиги "Андижон-36" навидан 0,7 ц/га. га кам бўлганлиги аниқланди.

Андоза С-6524 навида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ва ўғит меъёри N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га меъёрда қўлланилганда ўртача пахта ҳосили 30,6 ц/га.ни ташкил этди. Бу эса мақбул вариантларда "Андижон-36" навидан 4,7 ц/га, С-6541 навида 4,0 ц/га кам бўлиши аниқланди.

2009–2011 йиллар давомида ўртача уч йилда Андижон-36 ғўза навидан тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда, маъдан ўғитлар N<sub>190</sub>P<sub>133</sub>K<sub>95</sub> кг/га меъёрда қўлланилиб парваришланганда 35,3 ц/га пахта ҳосили олинди. Бунда олинган кўшимча пахта ҳосили ўғит меъёрларига нисбатан 6,9-8,5 ц/га, суғориш тартибларига нисбатан эса 0,2–4,4 ц/га. ни ташкил этди.

Дўза навлари ҳосилдорлиги, сув истеъмоли ва 1 центнер пахта ҳосили учун кетган сув сарфи, (2009-2011 йй.)

Вариант тартиби	Дўза навлари	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Маъдан ўғит (NPK) меъёрлари, кг/га с.х.			Суғориш тизими	Суғориш меъёрлари, м <sup>3</sup> /га		Пахта ҳосили, ц/га	1 центнер ҳосил учун кетган сув сарфи, м <sup>3</sup> /ц
			N	P	K		бир марталик	мавсумий		
1	С-6524 Назорот	70-70-60	200	140	100	1-3(4)-1(2)	680-990	5376	30,6	175,7
2	Андижон-36	65-65-60	160	112	80	1-2(3)-1(2)	810-1180	5186	26,8	193,5
3			190	133	95				35,3	146,9
4	160		112	80	29,4				176,4	
5	190		133	95	32,6				159,1	
6	Андижон-36	70-70-60	160	112	80	1-3(4)-1(2)	680-990	5376	28,5	188,7
7			190	133	95				34,5	155,8
8	160		112	80	29,8				180,4	
9	190		133	95	34,6				155,4	
10	Андижон-36	70-75-60	160	112	80	1-4(5)-1(2)	670-880	5413	29,2	185,4
11			190	133	95				33,5	161,6
12	160		112	80	28,4				190,6	
13	190		133	95	33,4				162,1	

**Хулоса.** Сув ва ўғит меъёрларини мақбул муддатларда, меъёрларда ва тартибларда бериш ўза навларидан юқори пахта ҳосили олишни таъминлаши аниқланди жумладан, типик бўз тупроқларда "Андижон-36" ўза навини барг хужайра шираси концентратияси гуллашгача 9,6–9,8%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,0-11,9% ва пишиш даврида эса 12,7–12,9 фоизга тенг бўлганда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда 1-2(3)-1(2) схемада амал дав-

рида 4–6 марта суғориш ва мавсумий суғориш меъёрлари эса 4450–5890 м<sup>3</sup>/га, С-6541 ўза навини ўза барги хужайра шираси концентратияси гуллашгача 8,5–8,8, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,5-11,0, пишиш даврида 12,8-12,9% га тенг бўлганда 70-70-60% тартибда 1-3(4)-1(2) схемада 5-7 марта, мавсумий давомидида 4730-5990 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш ҳамда ҳар иккала ўза нави учун минерал ўғитлар меъёрини N<sub>190</sub>, P<sub>133</sub>, K<sub>95</sub> кг/га меъёрда белгилаш тавсия этилади.

№	Reference	Адабиётлар
1	K.Mirzazhonov. <i>Suv butun borlikka khayot bakhsh etar</i> [Water will give life to all]. Pakhtachilik va donchilikni rivozhlantirish muammolari khalkaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari tuplami. Tashkent, 2004. pp.65-66.	Қ.Мирзажонов. Сув бутун борлиққа ҳаёт бахш этар // Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами. – Тошкент, 2004. – Б. 65-66.
2	Avliyokulov M.A. <i>Asosiy va takroriy parvarishlangan urta-ingichka tolali guza navlarining egat bulaklari buyicha sugorish texnologiyasi va pakhta khosildorligi</i> [The main and recurring maintenance of medium-thin pieces of fiber varieties of cotton furrow irrigation technology, and the yield of cotton]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2016, no. 4(6). pp.9-11.	Авлиёкулов М.А. Асосий ва такрорий парваришланган ўрта-ингичка толали ўза навларининг эгат бўлаклари бўйича суғориш технологияси ва пахта ҳосилдорлиги // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2016. – № 4(6). – Б. 9-11.
3	Bezborodov G.A. <i>Primenenie solomy v kachestve organicheskogo udobreniya, depressor ispareniya vlagi v oroshaemom zemledelie</i> [The use of straw as an organic fertilizer, a depressant of moisture evaporation in irrigated agriculture]. Tuproq unumdorligini oshirishning ilmiy amaliy asoslari (vol.2) Khalkaro ilmiy-amaliy konferentsiya mamateriallari tuplami. Tashkent, 2004. pp.65-66.	Безбородов Г.А. Применение соломы в качестве органического удобрения, депрессора испарения влаги в орошаемом земледелии // Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий амалий асослари (2-қисм) Халқаро илмий-амалий конференция маръузалари асосидаги мақолалар тўплами. – Тошкент, 2007. – Б. 9-14.
4	Isaev S.Kh., Khaydarov B.A. <i>Andizhon-36 guza navini sugorish tartiblarining pakhta khosildorligiga ta'siri</i> [Influence of irrigation procedures on cotton fertility of Andijan-36]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2018, no. 1(11). pp.9-10.	Исаев С.Х., Хайдаров Б. Андижон-36 ўза навини суғориш тартибларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2018. – № 1(11). – Б. 9–10.
5	Ramazonov A., Buriev S. <i>O rezhime orosheniya sel'skokhozyastvennykh kul'tur</i> [On the regime of irrigation of crops]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2018, no. 1(11). pp.13-17.	Рамазанов А., Буриев С. О режиме орошения сельскохозяйственных культур // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журна-ли. – Тошкент, 2018. – № 1(11). – Б. 13-17.
6	<i>Dala tazhribalarini utkazish uslublari</i> [Methods of field experiments]. UzPITI. Tashkent, 2007, 147 p.	Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПITI. – Тошкент, 2007. – 147 б.
7	<a href="http://www.hlopok.info/">http://www.hlopok.info/</a> , <a href="https://rns.online/economy/">https://rns.online/economy/</a>	<a href="http://www.hlopok.info/">http://www.hlopok.info/</a> , <a href="https://rns.online/economy/">https://rns.online/economy/</a>

УЎТ: 633.51+631.432(575.172)

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ЖАНУБИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН МОШНИНГ ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Л.А.Мирзаев - қ.х.ф.н., к.и.х., Н.М.Ибрагимов - қ.х.ф.д., профессор

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

### Аннотация

Тадқиқотларда Қорақалпоғистон Республикасининг жанубида тарқалган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мошни минерал ўғитлар билан ( $N_{160}P_{100}K_{60}$  кг/га) озиклантирилган майдонда кейинги йил экилган ғўзанинг турли ( $N_{160}P_{100}K_{75}$ ;  $N_{200}P_{140}K_{100}$  ва  $N_{240}P_{170}K_{125}$  кг/га) меъёрда озиклантириш самарадорлиги аниқланган. Бунда, кузги буғдой ҳамда мош экинларидан сўнг кейинги йил мазкур майдонда етиштирилган пахтадан олинган энг юқори ҳосилдорлик  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га маъдан ўғитлар қўлланилганда кузатилиб 34,0 ц/га.ни ташкил этган. Изланишлар натижасида кузги буғдой-такрорий экин-ғўза алмашлаб экиш тизимида, ғўзадан олдин мошни жойлаштириш энг самарали агротехник тадбир эканлиги илмий асосланган.

**Таянч сўзлар:** ўтлоқи аллювиал тупроқ, сизот, кузги буғдой, мош, ғўза, маъдан ўғитлар, ҳосилдорлик.

## ВЛИЯНИЕ ПОВТОРНОЙ КУЛЬТУРЫ МАША НА УРОЖАЙНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА В УСЛОВИЯХ ЮЖНОЙ ЗОНЫ КАРАКАЛПАКСТАНА

Л.А. Мирзаев, Н.М. Ибрагимов

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

### Аннотация

Исследованиями проведенными в условиях луговых аллювиальных почв южной зоны Республики Каракалпакстан, определена эффективность различных норм минеральных удобрений ( $N_{160}P_{100}K_{75}$ ;  $N_{200}P_{140}K_{100}$  и  $N_{240}P_{170}K_{125}$  кг/га) внесенных под хлопчатник, возделываемого в последующий год после озимой пшеницы и в качестве повторной культуры маша на фоне минеральных удобрений ( $N_{30}P_{80}K_{60}$  кг/га). При выращивании хлопчатника в последующий год после озимой пшеницы и повторной культуры маша получен наибольший урожай хлопка-сырца, который на фоне минерального питания  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га составил 34,0 ц/га. В результате исследований, в системе севооборота озимая пшеница-повторная культура - хлопчатник научно обоснована эффективность агротехнического приема размещения культуры маша перед севом хлопчатника.

**Ключевые слова:** луговые аллювиальные почвы, грунтовые воды, озимая пшеница, маш, хлопчатник, минеральные удобрения, урожайность.

## EFFECT OF MUNGBEAN REPEATED CULTURE ON COTTON VEGETABLES UNDER CONDITIONS OF SOUTHERN ZONE OF KARAKALPAKSTAN

L.A. Mirzaev, N.M. Ibragimov

Research Institute of Selection, seed production and cotton growing agrotechnology

### Abstract

Investigations carried out under conditions of meadow alluvial soils in the southern zone of the Republic of Karakalpakstan have determined the effectiveness of various norms of mineral fertilizers ( $N_{160}P_{100}K_{75}$ ;  $N_{200}P_{140}K_{100}$  and  $N_{240}P_{170}K_{125}$  kg / ha) applied to cotton grown in the following year after winter wheat and as a secondary crop of mung beet against mineral fertilizers ( $N_{30}P_{80}K_{60}$  kg/ha). When cotton was grown in the following year after winter wheat and the second crop of mung beans, the highest yield of raw cotton was obtained, which was 3.4 t/ha against the background of mineral nutrition  $N_{200}P_{140}K_{100}$  kg / ha. As a result of research, in the system of crop rotation, winter wheat-recurrent cotton culture is scientifically grounded in the effectiveness of the agro technical method of locating the mung beans culture before sowing cotton.

**Key words:** meadow alluvial soils, ground waters, winter wheat, mung beans, cotton, mineral fertilizer, yield.

**Кириш.** Қорақалпоғистон Республикаси глобал миқёсда арид, иссиқ, йиллик ҳаво ҳарорати юқори бўлган минтақада жойлашган бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини парваришlashда жадаллаштирилган тупроққа ишлов бериш усулларининг қўлланилиши ҳамда уларни сунъий суғориш натижасида тупроқдаги табиий чиринди захира-си тез суръатларда камаяди. Бу эса тупроқдаги биологик жараёнларнинг тез кетиши ўз навбатида экинлар ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлардан юқори ҳосил олиш учун ҳам оралиқ, такрорий дон,

дуккакли-дон ва дон берадиган бошоқли экинларни ғўза билан алмашлаб экиш талаб этилади.

Мамлакатнинг кўплаб суғориладиган майдонларида тупроқнинг мелиоратив ҳолатининг бузилиши, дефляция-эрозия жараёнларининг кучайиши, унинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламлари зичланишининг ортиши, ҳар хил кимёвий қатламлар билан ифлосланиши, шунингдек, алмашлаб экишнинг амалиётга тўғри қўлламай, экинларнинг озиклантириш тартибларини муттасил бузилиши каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

**Мақоланинг мақсади.** Қорақалпоғистон Республика-

сининг жанубида ер юзасига яқин жойлашган турли даражада минераллашган сизот таъсирида ҳосил бўлган ўтлоқи-аллювиал тупроқлардан ташкил топган майдонлардан кўп йиллар давомида суғорма деҳқончиликда самарали фойдаланилади. Ушбу майдонларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ҳамда улардан белгиланган ҳосил олишда қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларини (кузги буғдой, ундан сўнг такрорий кунгабоқар ва мош экинларидан кейинги йили ғўза) қўллаш муҳим роль ўйнайди. Экинларни тўғри жойлаштириш ва озиклантиришда минерал ўғитлар меъёрларини илмий асосланган тавсиялар асосида қўллаш, вегетация даврида сизот сатҳи, унинг электр ўтказувчанлиги (ЕС), эриган тузлар миқдори (TDS) ва рН кўрсаткичларини мақбул даражада сақлаб туришни таъминлайди.

**Адабиётлар таҳлили.** Республиканинг турли тупроқ шароитларида Д.Е.Еденбаев [1], У.Е.Исмаилов [2], Ш.Ч.Холтўраев ва бошқалар [5] ва қатор тадқиқотчилар томонидан алмашлаб экиш тизимларида дастлабки изланишлар олиб борилган бўлсада, лекин қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларида парвариш қилинаётган экинларда минерал ўғитларнинг қўллаш муддатлари ва меъёрлари етарли даражада аниқланмаган, илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

Шунинг учун изланишларда суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларининг аҳамиятини ҳамда қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрларини илмий-амалий жиҳатдан асослашни вазифа

қилиб олдиқ ва бу тўғрида дастлабки хулосалар олинди [3, 4].

**Мақоланинг методикаси.** Тажриба ўтказилган ҳудуднинг сизот сатҳи ер юзасига яқинлиги ҳамда тупроқнинг шўрланганлигини инobatга олиб, ғўзанинг вегетация даври давомида сизотнинг жойлашиш чуқурлиги, минерализация даражаси динамикаси кузатиб борилди.

Ќўза билан амалга оширилган тажрибада ҳар бир вариант эни – 4,8 м, узунлиги – 20 м, умумий майдони – 576 м<sup>2</sup>. Тажриба 3 такрорланишда бўлиб, умумий майдони 20736 м<sup>2</sup> ни ташкил этади (1-расм).

Бунинг учун дала майдонида 2 метр чуқурликда 4 дона махсус пьезометрлар ўрнатилди ва тегишли ўлчовлар амалга оширилди (2–5-расмлар). Бундан ташқари тажриба даласи четида сизот сатҳи ва унинг таркибини доимий кузатиб туриш учун махсус қудуқ жойлашган бўлиб, унинг чуқурлиги 3,5 метрни ташкил этади.

Тажриба майдонида ўтмишдош экин сифатида кузги буғдойдан сўнг мошни N<sub>30-60</sub>P<sub>80</sub>K<sub>60</sub> кг/га озиклантирилди. Ќўза билан боғлиқ изланишларида N<sub>160</sub>P<sub>100</sub>K<sub>75</sub>, N<sub>140</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> ва N<sub>240</sub>P<sub>170</sub>K<sub>125</sub> кг/га меъёрда минерал ўғитлар билан озиклантирилди (1-жадвал). Бунда тажриба майдони дастлаб тегишли қайтариқ ва вариантларга бўлинди ҳамда тажриба тизими бўйича аммиакли селитра (34% N), супрефос (N-10%, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-22-23%) ва калий хлориди (60% K<sub>2</sub>O) қўлланилди.

Тадқиқотларда барча кузатувлар, тупроқ ва ўсимлик намуналари устидаги таҳлиллар ва ҳисоб-китоблар «Методика полевых опытов» (Доспехов, 1985), «Методика



1-расм. Тажриба даласини умумий кўриниши

1-жадвал

**Тажриба тизими**

Вариант тартиби	Ўтмишдош экин	Ќўзада минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га			Ќўзада минерал ўғитларнинг қўллаш муддатлари, кг/га								
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	Шудгор олди-дан			Экиш билан бирга		Шона-лашда		Гуллаш	
					N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	N	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	
1	Мош N <sub>30</sub> P <sub>80</sub> K <sub>60</sub>	160	100	75	-	70	40	30	60	35	60	30	
2		200	140	100	-	100	50	50	75	50	75	40	
3		240	170	125	-	120	60	70	85	65	85	50	
4	Мош N <sub>60</sub> P <sub>80</sub> K <sub>60</sub>	160	100	75	-	70	40	30	60	35	60	30	
5		200	140	100	-	100	50	50	75	50	75	40	
6		240	170	125	-	120	60	70	85	65	85	50	


Государственного сорт испытания сельскохозяйственных культур» (1964), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмалари асосида ўтказилди.

**Масаланинг янги ечими.** Олинган маълумотларга кўра, март ойида сизот сатҳи 213 см чуқурликда жойлашган бўлиб, унинг электр ўтказувчанлиги ЕС=1,24 dS/m, эриган тузлар миқдори TDS=0,59 ppt ва рН=8,71 га тенглиги кузатилди.

Апрель ойида сизот сатҳи кўтарилган ва унинг чуқурлиги 199 см.ни ташкил этган бўлса, бошқа кўрсаткичлар март ойидаги кўрсаткичларга яқинлиги билан тавсифланади (ЕС=1,25 dS/m, TDS=0,61 ppt ва рН=8,72).

Май ойдан бошлаб сизот сатҳининг кўтарилиши янада давом этган ва унинг энг юқори кўтарилиши июль ва август ойларига тўғри келади (141 ва 155 см). Сизотнинг электр ўтказувчанлиги июль ойида энг кам (ЕС=1,19 dS/m) кўрсаткични ташкил этган бўлса, унинг таркибидаги эриган тузлар миқдори ҳам пасайган (TDS=0,45 ppt), аммо унинг ишқорийлиги бошқа ойларга нисбатан бироз ошган (рН=9,15).


Сентябрь ойдан бошлаб октябрь, ноябрь ва декабрь ойигача сизот сатҳи ер юзасидан пастланган ва қайд қилинган ойлар мобайнида 155–175 см оралиғида ўзгариб турди. Сизотнинг электр ўтказувчанлиги ва ундаги эриган тузлар миқдори олдинги ойларга нисбатан деярли ўзгармади (ЕС=1,20-1,22 dS/m, TDS=0,52 ppt). Аммо унинг ишқорийлиги сентябрдан то ноябрь ойигача (рН=9,13) юқори бўлиб, бундай ҳолат тажриба даласи олдида



2-расм. Тажриба даласида сизот чуқурлиги, см

жойлашган кузги буғдой майдонларида экишдан олдин июль-август ойларида шўр ювиш ишларини олиб борилганлиги билан боғланади.

Сизот сатҳининг июль ойидан кўтарилиши ҳам суғуриш ишларининг бажарилишига боғлиқ бўлиб, юқорида қайд қилинганидек, тажриба даласи олдида жойлашган кузги буғдой майдонларида экишдан олдин июль-август ойларида шўр ювиш ишлари олиб борилганлиги ва тажри-




3-расм. Тажриба даласида сизот таркибидаги эриган тузлар миқдори, ppt

ба далаларида ғўзани суғуриш ишларини олиб борилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатганлиги билан изоҳланади.

Кузатув натижаларида сизоб сатҳининг ўзгариши ва унинг таркиби ғўзанинг мақбул ривожланишига ва пахта ҳосилдорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмади.


Тадқиқотларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мошни минерал ўғитлар билан  $N_{30}P_{80}K_{60}$  кг/га меъёрда озиклантирилган майдонда ғўзани  $N_{160}P_{100}K_{75}$  кг/га меъёрда озиклантирилган 1-вариантда 33,3 ц/га.ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич ғўза  $N_{160}P_{100}K_{75}$  кг/га озиклантирилган 4-вариантга нисбатан  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га 5-вариантда 0,7 ц/га (34,0 ц/га),  $N_{240}P_{170}K_{125}$  кг/га вариантда 0,4 ц/га (33,7 ц/га) кўп пахта ҳосили олинсада, ушбу



4-расм. Тажриба даласида сизоб таркиби, pH

вариантларда қўлланилган кўшимча  $N_{40-80}P_{40-70}K_{25-50}$  кг/га минерал ўғитлар самараси етарли даражада кўринмади.

Мош минерал ўғитлар билан  $N_{60}P_{80}K_{60}$  кг/га меъёрда озиклантирилган майдонда ҳам юқоридаги қонуният ўз аксини топган бўлсада, мош  $N_{30}P_{80}K_{60}$  кг/га далага нисбатан ғўзада қўлланилган ( $N_{160}P_{100}K_{75}$ ;  $N_{200}P_{140}K_{100}$  ва  $N_{240}P_{170}K_{125}$  кг/га) ўғит меъёрларига мутаносиб равишда пахта ҳосили 33,9; 34,6 ва 34,0 ц/га.ни ташкил этди.



5-расм. Тажриба даласида сизотнинг электр ўтказувчанлиги, dS/m

**Хулоса.** Қорақалпоғистон Республикасининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимларида (кузги буғдой, ундан сўнг такрорий мош экинларидан кейинги йили ғўза) мақбул экинларни танлаб ҳамда уларда қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрларини илмий-амалий асосланган тавсиялар асосида фойдаланиш, ғўзанинг вегетация даврида сизот сатҳини ва унинг таркибидаги кўрсаткичлар (ЕС, TDS ва pH) мақбул даражада туришини таъминлайди.

Бу эса такрорий экин сифатида мошдан ( $N_{30}P_{80}K_{60}$  кг/га) сўнг ғўзада  $N_{160-200}P_{100-140}K_{75-100}$  кг/га меъёрда минерал ўғитлар қўлланилиши 33,3–34,0 ц/га пахта ҳосили олишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

№	Reference	Адабиётлар
1	Edenbaev D.E. <i>Prognozirovanie urozhaev kukuruzy i sorgo</i> [Forecasting corn and sorghum crops]. Journal of Sel'skoe khozyastvo Uzbekistana	Еденбаев Д.Е. Прогнозирование урожая кукурузы и сорго // Ж.: "Сельское хозяйство Узбекистана". – Ташкент, 1998. – № 4. – С. 48-49.
2	Ismailov U.E. <i>Nauchnye osnovy povysheniya plodorodiya pochvy</i> [The scientific basis for improving soil fertility]. Nukus, Bilim Publ., 2004. 180 p.	Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы. – Нукус: Билим, 2004. – 180 с.

3	Ibragimov N.M., Mirzaev L.A. Effect of mineral fertilizer rates on yield components and grain yield of irrigated winter wheat in south Karakalpakstan. International scientific journal "The Way of Science". no.10 (32), 2016. – pp. 36-40.	Ibragimov N.M., Mirzaev L.A. Effect of mineral fertilizer rates on yield components and grain yield of irrigated winter wheat in south Karakalpakstan. International scientific journal "The Way of Science". #10 (32), 2016. – pp. 36-40.
4	Ibragimov N.M., Mirzaev L.A. <i>Produktivnost' podsolnechnika v povtornom poseve v zavisimosti ot udobrennosti predshestvennika</i> [Productivity of sunflower in a second crop depending on the fertilizer of the predecessor]. Tuproqshunoslik-mamlakat ekologik va ozik-ovkat khavfsizligi xizmatida mavzusida Respublika ilmiy-amaliy anzhumani maqolalari tuplami. Tashkent, 2017. pp.209-211.	Ибрагимов Н.М., Мирзаев Л.А. Продуктивность подсолнечника в повторном посеве в зависимости от удобрённости предшественника. "Тупроқшунослик – мамлакат экологик ва озиқ-овқат хавфсизлиги хизматида" мавзусида Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. – Тошкент, 2017. – С. 209-211.
5	Kholturaev Sh.Ch., Khoshimov I.N., Kodirov Z.Z., Nazrullaev Zh.D. <i>Takroriy ekinlar urniga guzaning usishi va rivozhlanishi</i> [The growth and development of the sown cotton instead of the new crops]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2017, no. 3(9). pp.17-19.	Холтўраев Ш.Ч., Хошимов И.Н., Қодиров З.З., Назруллаев Ж.Д. Такрорий экинлар ўрнига экилган ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши // "Irrigatsiya va melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2017. – № 3(9). – Б. 17-19.

УЎТ: 631.4:631.6.02 (575.1)

## ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ ЖИҲОЗЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ИШОНЧЛИЛИГИНИНГ АСОСИ

А. Хамидов - Dr. Dagmar Balla, ZALF, PhD

Б. Суванов - доцент, У. Жўраев - PhD

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### Аннотация

Мақолада бугунги кунда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Германия Федератив Республикасининг Таълим ва Фан Вазирлиги (BMBF) томонидан молиялаштирилаётган BioWat: "Иқлим ўзгаришига мослашиш мақсадида Марказий Осиёнинг шўрланган ва қурғоқчил ҳудудларида ресурсларни бошқариш (Resources management in the salinized and drought stress-endangered irrigation areas of Central Asia for adapting to climate change)" илмий лойиҳаси доирасида олинган замонавий юқори аниқликдаги, рақамли лаборатория жиҳозлари ва улардан фойдаланиш натижасида илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг ишончилигини ошириш бўйича маълумотлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** иқлим ўзгариши, ресурсларни бошқариш, шўрланган, қурғоқчил, лойиҳа, замонавий, юқори аниқликдаги, рақамли лаборатория жиҳозлари, суғориш меъёри, ресурслардан барқарор фойдаланиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, суғоришдан олдинги намлик, сизот сувлар, минерализация.

## ОБОРУДОВАНИЕ-ОСНОВА ДОСТОВЕРНОСТИ РЕЗУЛЬТАТОВ НАУЧНО - ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ

А. Хамидов, Б. Суванов, У. Жўраев

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

В статье приведены сведения о современных высокоточных цифровых лабораторных приборах, полученных в рамках научного проекта BioWat: "Управление ресурсами в засоленных и засушливых районах орошения Центральной Азии с целью адаптации к изменению климата (Resources management in the salinized and drought stress-endangered irrigation areas of Central Asia for adapting to climate change)" спонсируемый Министерством науки и образования Германской Федеративной Республики (BMBF) с целью улучшения материально-технической базы Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

**Ключевые слова:** изменение климата, управление ресурсами, засоленный, засушливый, проект, современный, высокоточный, цифровые лабораторные приборы, оросительная норма, перспективное использование ресурсов, водное и сельское хозяйство, предполивная влагоемкость, грунтовые воды, минерализация.

## EQUIPMENT BASIS OF PERFORMANCE OF RESULTS OF SCIENTIFIC RESEARCH WORKS

A. Khamidov, B. Suvanov, U. Djuraev

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

The article provides information on modern high-precision digital laboratory instruments obtained within the framework of the BioWat scientific project: The German Federal Republic (BMBF), sponsored by the Ministry of Education and Science, is the "Resources management in the salinized and drought stress-endangered irrigation areas of Central Asia for adapting to climate change" with the aim of improving the material and technical base of the Tashkent Institute of Irrigation Engineers and Agricultural Mechanization.

**Key words:** climate change, resource management, saline, arid, project, modern, high-precision, digital laboratory instruments, irrigation norm, perspective use of resources, water and agriculture, pre-water capacity, groundwater, mineralization.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ республикаимиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини кенгайтириш, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Бу вазифа энг муҳим устувор йўналишлардан бири



бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самардорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, нафақат қишлоқ меҳнаткашлари, балки бутун Ўзбекистон аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлик бўлган еримизнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир.

Маълумки, мамлакатимизнинг мустақиллик йиллари бошидан аграр соҳага аълоҳида эътибор қаратилиб, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида туб ислохотлар ўтказилди. Сув ресурсларини бошқариш ва фермер хўжаликларини ўртасида сув муносабатларини такомиллаштириш, сувдан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

Германия Федератив Республикасининг Таълим ва Фан Вазирлиги (BMBF) томонидан молиялаштирилаётган BioWat: “Иқлим ўзгаришига мослашиш мақсадида Марказий Осиёнинг шўрланган ва қурғоқчил ҳудудларида ресурсларни бошқариш (Resources management in the salinized and drought stress-endangered irrigation areas of Central Asia for adapting to climate change)” илмий лойиҳасини амалга оширилиши кўзда тутилган.

**Лойиҳанинг мақсади.** Марказий Осиёдаги суғориладиган майдонларда коллектор-зовур сувларини самарали равишда қайта ишлатиш бўйича намунавий концепция ҳамда ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларга асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Лойиҳанинг вазифалари:**

- Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистоннинг асосий ирригация ҳудудларида потенциал коллектор-зовур сувларини аниқлаш;

- сув ҳавзаларида ўсимликлар ёрдамида ўз-ўзини тозалаш потенциалини ўрганиш (коллектор-зовур сувлари ҳавзаларини яхшилаш)

- тупроқ-иқлим шароитларида ва шўрланган ердан фойдаланишда суғориш сувлари ва биомассадан фойдаланишни техник ва технологик тадқиқотларни олиб бориш;

- биомасса ва коллектор-зовур сувларидан иккиламчи фойдаланишни амалга ошириш учун институционал эҳтиёжларни, потенциаллар ва тўсиқларни аниқлашдан иборат.

**Кутилаётган натижалар:**

ресурслардан барқарор фойдаланиш бўйича тегишли механизмлар, шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги учун тавсиялар ишлаб чиқилади.

Лойиҳа икки йил давомида Германиянинг Лейбниц номли қишлоқ хўжалиги ландшафтлари илмий-тадқиқот маркази (ZALF) ва Тошкент ирригация ва қишлоқ

хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) ҳамкорлигида олиб борилади.

Ушбу лойиҳа доирасида ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Германиянинг Лейбниц номли қишлоқ хўжалиги ландшафтлари илмий-тадқиқот маркази (ZALF) келишувига биноан “Ирригация ва мелиорация” кафедрасининг лаборатория ишларини сифати ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида 2018 йилда замонавий юқори аниқликдаги, рақамли куйидаги жиҳозлар олиб келинди (1-жадвал ва 1, 2, 3-расмлар).

**1-жадвал**

**Замонавий юқори аниқликдаги рақамли лаборатория жиҳозлари**

№	Лаборатория жиҳози номи	Сони, дона
1	Тупроқ ва сувнинг pH кўрсаткичи, таркибларидаги тузлар миқдорини аниқлаш учун юқори аниқликдаги, рақамли кўп параметрли қурилма (WTW Digitales Multiparametergerat, Set Multi 3620 IDS Set G)	2
2	Ер ости сизот сувлари сатҳини ўлчовчи мослама (SEBA- Kabellichtlot Typ KLL-Mini Messbereich 15 м)	2
3	Тупроқ намлигини аниқлаш жиҳози (UGT-Bodenfeuchte Sonde UMP-1 BT incl. ZweiVorbohrer)	2
	Жами	6



**1-расм. Тупроқ ва сувнинг pH кўрсаткичи, таркибларидаги тузлар миқдорини аниқлаш учун юқори аниқликдаги, рақамли кўп параметрли лаборатория жиҳозлари (WTW Digitales Multiparametergerat, Set Multi 3620 IDS Set G)**



**2-расм. Ер ости сизот сувлари сатҳини ўлчовчи мослама (SEBA- Kabellichtlot Typ KLL-Mini Messbereich 15 м)**

**Хулоса.** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Германиянинг Лейбниц номли қишлоқ хўжалиги ландшафтлари илмий тадқиқот маркази (ZALF) келишувига биноан “Ирригация



**3-расм. Тупроқ намлигини аниқлаш жиҳозлари (UGT-BodenfeuchteSonde UMP-1 BT incl. ZweiVorboller)**

ва мелиорация” кафедрасига олиб келинган замонавий юқори аниқликдаги, рақамли жиҳозлар кафедрани ўтиладиган фанлардан бажариладиган лаборатория машғулотларининг сифати ва ишончли бажарилишини таъминлайди.

№	Reference	Адабиётлар
1	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2001 yil 11 iyuldagi “Uzbekiston Respublikasi hududidagi iste’mol tovarlari olib kelinishini tartibga solish tugrisida”gi PF-3105-sonli Farmoni</i> [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from July 11, 2002 of PD-3105 "About streamlining of import of consumer goods on the territory of the Republic of Uzbekistan"].	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-3105-сонли Фармони.
2	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 24 maydagi “Kishlok va suv khuzhaligi tarmoklari uchun mukhandis-tekhnik kadrlar tayeorlash tizimini tubdan takomillashritish chora-tadbirlari tugrisida”gi PK-3003-sonli Karori</i> [Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 24, 2017 "On measures to radically improve the system of training engineers and technical staff for the branches of agriculture and water economy" No. PD-3003].	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори.
3	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 iyuldagi “Oliy ma’lumotli mutakhassislar tayorlash sifatini oshirishda iktisodiyot soxhalari va tarmoklarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari tugrisida”gi PK-3151-sonli karori</i> [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 27, 2017 "On Measures for Further Expansion of Participation of Branches and Branches of the Economy in Increasing the Quality of Training of Higher Education Professionals" No. PP-3151].	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори.
4	Khamidov M.Kh., Suvanov B. <i>Suv resurslari va ulardan samarali foydalanish muammolari</i> [Water Resources and their effective use problems]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2017, no.4(10). pp.5-9.	Хамидов М.Х., Суванов Б. Сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2017. – № 4(10). – Б. 5-9.
5	Khamidov M.Kh., Zhalolov A. <i>Suv resurslarini okilona boshkarish, ularni iktisod kilish va samarali foydalanish muammolari</i> [The rational management of water resources, economic and effective use of problems]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2015, no.01. pp.28-33.	Хамидов М.Х., Жалолов А. Сув ресурсларини оқилона бошқариш, уларни иқтисод қилиш ва самарали фойдаланиш муаммолари // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2015. – № 01. – Б. 28-33.

**Кириш.** Маълумотларга қараганда, 2017 йилда қишлоқ хўжалигимиз томонидан 12 млн. 640 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 млн. 900 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 млн. 680 минг тонна узум етиштирилган. Хукуматимиз томонидан мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина 2016 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, умумий ҳажми 77800

тонна сигимга эга бўлган 114 та совутигичлар курилди ва модернизация қилинди. Республикаимизда 2016 йилда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш имкониятлари 900 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткичлар яна 15–20 фоизга оширилди [1,2]. Мева маҳсулотларини сақлаш омборларида исрофлар миқдори юқори бўлиб қолмоқда. Маҳсулот сифатини ошириш мақсадида омборларни совутиш жараёнида турли электротехнологик усуллар, жумладан, электроиониза-

торлар, кенг қўлланилмоқда. Электроионизаторлар кўплаб технологик жараёнларда қўлланилмоқда: ҳаво тозалаш фильтрларда, бўёқ қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ишлов бериш, меваларни узоқ муддат сақлаш, тиббиёт, ветеринария ва ҳ.к. Барча жараёнларда ионлар енгил, ҳаракатчан бўлиши ва кўпчилик ҳолларда униполяр, манфий зарядли бўлиши тавсия қилинади. Униполяр ионизация, айниқса, ўсимликлар ва ҳайвонларга ишлов беришида алоҳида омил сифатида кўрсатиб ўтилади.

Илмий изланишларнинг мақсади меваларни сақлаш жараёнида электр ионизация қурилмаларини қўллашда сақлаш камераларидаги муҳит кўрсаткичларининг ионизатор иш кўрсаткичларига таъсирини ўрганишдан иборат. Сақлаш камераларидаги муҳит кўрсаткичлари ташқи атмосфера муҳит шароитларидан фарқ қилади. Мева маҳсулотларини сақлашни омборлари ҳавоси ионлаштирилганида ҳаво ионлари мевалар сиртида ион қатлами ҳосил қилиб, уларни ташқи зарарланишлардан сақлайди, яна мева сиртидаги ион қатлами улардаги модда алмашилиш жараёнини сустлаштириб, меванинг масса йўқотишларини камайтиради, меванинг сувли, сархил ҳолда сақланишини таъминлайди.

**Экспериментал изланишлар услуги.** Тож разрядли электр ионизаторнинг режим кўрсаткичларига ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлигининг таъсирини ўрганиш учун бажарилган экспериментал изланишларда қурилманинг электр майдон кўрсаткичлари ҳавонинг турли муҳит шароитларида аниқланди. Изланишларда ҳаводаги ионлар концентрацияси, разряд электродлари потенциали, ток катталиги, ҳавонинг ҳарорати ва намлиги назорат қилинди. Тож разрядли электр майдони кўрсаткичларининг тезкор ўзгарувчанлиги ва контактли усулларнинг қўлланилиши электр майдон конфигурациясини ўзгартириб юбориши улардан фойдаланишни инкор этади, аниқ натижалар фақат контактсиз усулларда намоён бўлади [3, 4]. Шу сабабли тож разряд электр майдони ва ионлашган ҳаво ҳажмидаги кўрсаткичлар контактсиз, зонд усули ва аспирация усулларидан фойдаланиб ўлчаб олинди. Контактсиз системанинг қўлланилиши техник изланишлар учун етарли бўлган минимал хатолик бўлишини таъминлаб беради [5, 6, 7].

Ҳаво электр ионлаштириш қурилмаларининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш бўйича Ш.Музафаров, W.Deutch, Н.Багировлар томонидан изланишлар олиб борилган, уларда электр ионизаторнинг ишчи кўрсаткичларига ҳаво намлигининг таъсири ўрганилмаган. Мева сақлаш жараёнида эса муҳит юқори намлиги билан тавсифланади. Шу сабабли электр ионизаторнинг режим кўрсаткичларига ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлигининг таъсирини аниқлаш изланишлар объекти бўлди [8, 9, 10, 11]. Ҳаво электр ионлаштириш қурилмасининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш учун уларнинг вольт-ампер ва вольт-ион тавсифларини кўриб чиқилди. Вольт-ампер ва вольт-ион тавсифларини ўрганиш учун қурилманинг мақбул иш режимларидаги кўрсаткичлари олинди.


Ҳаво ионлаштириш қурилмасининг самарадорлигини аниқловчи унинг вольт-ампер ва вольт-ион тавсифларини ўрганиш учун кучланиши 5 кВ. дан 20 кВ. гача ростланувчи лаборатория автотрансформатори билан таъминланувчи тож разрядли қурилмасини ишлатдик [12, 13, 14].

**Электр ионизаторнинг тавсифларини ўрганиш учун экспериментал стенд.** Электр ионизаторнинг вольт-ампер ва вольт-ион тавсифларини ўрганиш учун стенд йиғилган (1-расм). Стенд ток манбаидан, кучланиш ростлагичидан, назорат-ўлчов асбобларидан иборат. Разряд электродларини маҳкамлаш учун тўрт бурчак

шаклда алюминий каркас тайёрланган ва электродлар орасидаги масофага тенг бўлган масофада тўр қилинган. Тож разряд электродлари турли ўлчамли бўлиб, турли масофаларда корпусга маҳкамланади.

Электродлар корпусга енгил ўрнатилади ва осон ечи олинади ва изланишларда турли вариантлар ҳосил қилинади. Электродлардаги кучланиш миқдори бирламчи чулғам томонидан автотрансформатор воситасида ростланади. Кучайтирувчи трансформаторда кучланиш 220 В. дан 6000 В. гача оширилади кейин эса кучланиш кўпайтиргичида 20 000 В. гача оширилади. Ионизатор токи ерга уланган электрод томонида М-95 типли микроамперметр ва С-4311 миллиампервольтметр билан ўлчанади.

Ионизаторни турли режимларда асосий тавсифларини олиш ва самарадорлигини аниқланилаш учун юқорида келтирилган стенддан фойдаланилди. Стенднинг электр схемаси 1-расмда келтирилган. Схепада кучланишнинг ростлаш учун автотрансформатор, кучайтирувчи



К.Е - разряд электроди Е.У.Э - ерга уланган электрод.  
R-юқори кучланишли кучланиш бўлгичи, ТВ2 - кучайтирувчи трансформатор, ТВ1 - кучланиш регулятори, FУ<sub>1</sub>, FУ<sub>2</sub>-разрядниклар, МА<sub>1</sub>, МА<sub>2</sub>-микроамперметрлар, кV-киловольтметр.

### 1-расм. Электр тож разрядли ионизаторнинг электр схемаси


трансформатор, тож разряди электродлари, ерга уланган электрод, назорат-ўлчов асбоблари уланган. Ўлчов асбобларига параллел уланган разрядниклар микроамперметрларни авариявий режимлардан ҳимоя қилиш учун хизмат қилади.

Электрионизатор катта ҳажмли бинолар ҳавосини, жумладан, мева сақлаш омборлари атмосферасини ионлаштириш учун мўлжалланган. Игалардан тайёрланган разряд электродлари бир биридан 40 мм масофада жойлашган бўлиб, умумий каркасга маҳкамланган. Электродлар диаметри 1,5 мм. ли пўлат стерженлардан тайёрланган. Каркас ерга уланган электродга диэлектрик таянч орқали бириктирилган. Диэлектрик стержен турли ўлчамли бўлиб, разряд оралиғи масофасини ростлаш имконини беради. Ерга уланган электрод алюминий листдан тайёрланган ва унда доира шаклида тешиклар кесиб олинди, ҳалқалар ҳосил қилинган. Разряд электродлари ерга уланган электроддаги тешиклар доирасининг ўқи бўйлаб, уларга перпендикуляр жойлашади. Игаларнинг учи ерга уланган электроддан маълум бир масофада бўлади ва разряд пайтида ионларни атмосферага чиқиб кетишида электр майдонининг иштирокини таъминлайди.

Ионизаторнинг иш режимларига ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳароратининг таъсирини ўрганиш масаласи муҳимдир, чунки мева сақлаш технологияси ҳавода юқори намлик ва паст ҳарорат бўлишини талаб қилади. Шу сабабли кейинги изланишларда ҳавонинг юқори намлигининг ионизаторнинг иш кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. Бунинг учун мева сақлаш омбори ҳавосининг

нисбий намлигини (70–95)% ва ҳавонинг ҳароратини 0–5°C оралиқда ўзгартириш мумкин бўлган камера олдик. Ҳавонинг нисбий намлиги ва ҳарорати ўзаро боғлиқ омил бўлганлигидан изланишларда омил сифатида фақат ҳавонинг нисбий намлиги олинди. Ҳарорат эса фақат қайд қилинди. Юқорида келтирилган услуб бўйича электр ионизаторнинг вольт-ампер ва вольт-ион тавсифлари ҳавонинг турли намлигида олинди.

Изланишлар кўрсатадики, ҳавонинг нисбий намлиги



1,3 - ҳаво намлиги 70% бўлганда; 2,4 - ҳаво намлиги 90% бўлганда.

**2-расм. Электр ионизаторнинг ҳавонинг турли нисбий намлигидаги вольт - ампер ва вольт - ион тавсифлари**

ортишида электр ионизатор токи 10–12 фоизга ортади, бу ҳолат электродлар сиртида сув молекулаларининг электр майдон куч чизиқлари бўйлаб жойлашиши ва разряд электродлари сиртида нотекистик рельефи ҳосил қилиши натижасида юзага келади. Ҳаводаги сув молекулалари ҳавонинг ўтказувчанлигини ошириб, разряд жараёнининг жадаллигини оширади. Шу билан бирга

ҳаводаги сув молекулалари ўзига бир неча ионларни бириктириб, ионларнинг ҳажмий концентрациясини камайтиради, ҳавода оғир ионлар ҳосил бўлишига олиб келади. Натижада ҳавонинг намлиги ортишида ионизаторнинг вольт-ион тавсифи пасая боради. Лекин ҳавонинг нисбий намлиги 60–70% оралиғида ўзгарганида тож разряд токи минимал бўлганлиги кузатилди, яъни ҳавонинг нисбий намлиги разряд жараёнларига таъсир кўрсатмади. Мева сақлаш омборларида ҳавонинг нисбий намлиги 85–90% ва ҳарорати 0°C атрофида бўлади ва ионизаторнинг жадал ионизация зонасида қолади. Мева сақлаш камералари шароитида, ҳаво намлиги 90 фоизгача ортганида ионлар концентрацияси 10–12 фоизга камайди ва ионизатордан 1 метр масофада ионлар концентрацияси  $1,6 \cdot 10^{13}$  ион/м<sup>3</sup> ни ташкил қилди.

**Хулосалар.**

1. “Игна-ҳалқа” системали разряд электродлари бўлган ионизаторнинг иш унумдорлигига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди: улар разряд оралиғи масофаси, разряд электродидидаги кучланиш ва разряд электродлари орасидаги масофа. Разряд оралиғи масофаси ортиши ва разряд электродидидаги кучланишнинг камайиши билан ионизация жадаллиги пасайиши кузатилди. Разряд оралиғи масофаси 25 мм ва разряд электродлари орасидаги масофа 40 мм бўлганида разряд электродларидаги мақбул кучланиш 4,4–4,7 кВ бўлди, бунда ионизатордан 1 метр масофада ионлар концентрацияси  $1,6 \cdot 10^{13}$  ион/м<sup>3</sup> ни ташкил қилди.

2. Игна шаклидаги разряд электродларининг узунлиги ва цилиндрик қисмининг диаметри электроионизатор кўрсаткичлари ва тавсифларига кам таъсир қилди.

3. Электроионизатор кўрсаткичларига ҳавонинг нисбий намлигининг таъсири сезиларсиз бўлди, фақат унинг 70–90% атрофидаги ўзгаришлари ионизация жадаллигига маълум бир даражада таъсир қилди, разряд токи ортиши билан биргалиқда ионизация самараси 10–12 фоизга камайиши кузатилди.

№	Reference	Адабиётлар
1	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Mazhlisiga murozhaati</i> [Appeal of the President of the Republic of Uzbekistan to Oliy Majlis]. Tashkent, 2017. (in Uzbek)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаати. – Тошкент, 2017.
2	<i>Mirzиеev Sh.M. Uzbekistonni rivozhlantirishning beshta ustivor yunalishi buyicha Xarakatlar strategiyasi</i> [Strategy actions in five priority areas of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, Uzbekiston Publ., 2017. . (in Uzbek)	Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Т., Ўзбекистон, 2017.
3	Rakhmatov A.D. <i>Meva mahsulotlarini saklashda elektr razryadi ordamida khavoni ionlashtirish texnologiyalari</i> [Technology of air ionization by means of an electric shaft in storage of fruits]. Monografiya. Tashkent, TIKKhMMI, 2017. 118 p.	Рахматов А.Д. Мева маҳсулотларини сақлашда электр разряди ёрдамида ҳавони ионлаштириш технологиялари / Монография. - Тошкент. ТИҚХММИ. 2017. – 118 б.
4	Tammet Kh.F. <i>Aspiratsionnyy metod izmereniya spektra aeroionov</i> [Aspiration method for measuring the aeroion spectrum]. 1997. 232 p.	Таммет Х.Ф. Аспирационный метод измерения спектра аэроионов. 1997. – 232 с.
5	Muzafarov Sh.M. <i>Optimizatsiya parametrov elektrodnoy sistemy potentsial'naya ploskost' s korniruyushchimi iglami elektrofil'trov, Elektrotekhnologii, opticheskie izlucheniya i elektrooborudovanie v APK</i> . [Optimization of the parameters of the electrode system "potential plane with the rooting needles" of electrostatic precipitators. Electrotechnologies, optical radiation and electrical equipment in the agroindustrial complex]. Materialy mezhdunarodnoy konferentsii. Volgograd, 2016. pp. 112-118.	Музафаров Ш.М. Оптимизация параметров электродной системы “потенциальная плоскость с корнирующими иглами” электрофильтров. Электротехнологии, оптические излучения и электрооборудование в АПК. Материалы международной конференции. – Волгоград, 2016.– С.112-118.

6	Bagirov N.A. <i>Vzaimnoe ekranirovanie koroniruyushchikh elektrodov pri iskustvennoy ionizatsii vozdukha</i> [Mutual shielding of the corona electrodes during artificial ionization of air]. Trudy VSKhIZO. 27th ed. Moscow, 1998. pp.137-143.	Багиров Н.А. Взаимное экранирование коронирующих электродов при искусственной ионизации воздуха. Труды ВСХИЗО. Вып. 27. – М. 1998. – С. 137-143.
7	Rakhmatov A.D., Oymatova S.Sh. <i>Tozh razryad elektr maydoni kursatkichlarini eksperimental urganish usullari</i> [Methods of experimental study of crown of electric field indicators]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2017, no.1(7). pp.53-56.	Рахматов А.Д., Ойматова С.Ш. Тож разряд электр майдони кўрсаткичларини экспериментал ўрганиш усуллари // «Irrigatsiya va Melioratsiya» журнали. – Ташкент, 2017. – № 1(7). – Б. 53-56.
8	W.Deutch. <i>Über die Dihterverteilung unipolarer ionenstro'me</i> . Annalen der Physik. Folge. Bd10. Helft1,1931. – pp. 847-867.	W.Deutch. <i>Über die Dihterverteilung unipolarer ionenstro'me</i> . Annalen der Physik. Folge. Bd10. Helft1,1931. – pp. 847-867.
9	Radzhabov A.R., Muzafarov Sh.M. <i>Issledovanie parametrov elektrodnoy sistemy potentsial'naya ploskost' s koronikuyushchimi iglami-zazemlennaya ploskost'</i> [Investigation of the parameters of the electrode system "potential plane with the corona needles-earthed plane"]. Journal of Mezhdunarodnaya agroinzheneriya. Almaty, 2013. no.1. pp.34-40.	Раджабов А.Р., Музафаров Ш.М. Исследование параметров электродной системы "потенциальная плоскость с короникующими иглами–заземленная плоскость" // Международная агроинженерия. – Алматы, 2013. – № 1. – С. 34-40.
10	Isakov A.J., Muzafarov Sh.M., Characteristics of electric field of steamer from of the corona discharge with reference to the problems of electrical gas cleanin. Europeansciencereview. № 1-2. 2017. – pp.184-186.	Isakov A.J., Muzafarov Sh.M., Characteristics of electric field of steamer from of the corona discharge with reference to the problems of electrical gas cleanin // Europeansciencereview. № 1-2. 2017. – pp.184-186.
11	Uzakov G.N. <i>Sposoby povysheniya energoeffektivnosti sistem teplokhadosnabzheniya plodoovoshchnykh kharanilishch s ispol'zovaniem NIE</i> [Ways of increasing the energy efficiency of the heat-and-cooling systems of fruit and vegetable storage facilities with using NIE]. Avtoref.diss.dokt.tekhn.nauk. Tashkent, TGTU, 2014. 38 p.	Узаков Г.Н. Способы повышения энергоэффективности систем теплохладоснабжения плодоовощных хранилищ с использованием НИЭ. Автореф. дис. ... докт. техн. наук. - Ташкент: ТГТУ. 2014. – 38 с.
12	Rakhmatov A.D. <i>Elektr ionizatorlar uchun doimiy tok manbalari</i> [Permanent power sources for electric ionizers]. Kishlok va suv khuzhaligining zamonaviy muammolari mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anzhuman materiallari tuplami. – Toshkent. TIMI Publ., 2013. pp.128-129.	Рахматов А.Д. Электр ионизаторлар учун доимий ток манбалари. «Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент. ТИМИ босмахонаси, 2013. – Б. 128-129.
13	Akhmedov O.T. <i>Transportirovanie ionizirovannogo vozdukha s naimen'shimi poteryami</i> [Transportation of ionized air with minimal losses]. Kishlok khuzhaligini mexhanizatsiyalash va elektrlashtirish masalalari mavzusidagi Ilmiy, ishlab-chikarish konferentsiyasi tezislari tuplami. – Toshkent. TIKKhMMI Publ., 1995. pp.67-71.	Ахмедов О.Т. Транспортирование ионизированного воздуха с наименьшими потерями. // "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш масалалари" мавзусидаги Илмий, ишлаб-чиқариш конференцияси тезислари тўплами. – Тошкент: ТИҚХММИ, 1995. – Б. 67-71.
14	Akhmedov O.T. <i>Elektr ionlashtirish kurilmasining samaradorligini oshirish yullari</i> [Ways to increase the efficiency of the electric ionization device]. Kishlok khuzhaligi ishlab chikarishida energoresurslaridan samarali foydalanish mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi. Tashkent, 2003. pp.33-34.	Ахмедов О.Т. Электр ионлаштириш қурилмасининг самарадорлигини ошириш yo'llari // "Қишлоқ xo'jaligi ishlab chikarishida energoresurslaridan samarali foydalanish" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi. – Toshkent: 2003. – Б. 33-34.



УЎТ: 528.024.4

## ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТРИГОНОМЕТРИК НИВЕЛИРЛАШДА РЕФРАКЦИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ЯНГИЧА ЙЎЛИ

*А.С. Суюнов - т.ф.д. проф., Ш.А. Суюнов - магистр, У.А. Бердикулов - магистр  
Самарқанд давлат архитектура-қурулиш институти*

### Аннотация

Ўзбекистон шароитида вертикаль рефракциянинг коэффициенти ёки бурчакни ҳисобламасдан нисбий баландликларни аниқлашда рефракциянинг оддий ва содда усули кўрсатилган. Бу усуллар икки томонлама, бироқ бир вақтда бажарилган ёки бир вақтда бажарилмайдиган геодезик ўлчашларнинг талаб этилиши таъкидланган. Геодезик ўлчаш пунктларда вертикаль градиентларни ҳисоблаш йўли билан вертикаль рефракцияни ҳисобга олиш учун ишчи формулалар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** вертикаль градиентлари, эквивалент баландликлар, рефрактометрия, рефракция коэффициенти, геодезик ўлчашлар, геодезик пункти, геодезик тармоқ, геодезик полигон.

## НОВЫЕ СПОСОБЫ УЧЕТА ВЕРТИКАЛЬНОЙ РЕФРАКЦИИ ПРИ ТРИГОНОМЕТРИЧЕСКОМ НИВЕЛИРОВАНИИ В УСЛОВИЯХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*А.С. Суюнов, Ш.А. Суюнов, У.А. Бердикулов  
Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт*

### Аннотация

В работе приведен достаточно простой метод учета вертикальной рефракции при нивелировании в условиях республики Узбекистан без вычисления коэффициентов или углов рефракции. Эти методы требуют двухсторонних одновременных или неодновременных геодезических измерений. Показаны пути вычисления вертикальных градиентов температуры на пунктах геодезических измерений, а также приведены их рабочие формулы.

**Ключевые слова:** Вертикальные градиенты, эквивалентные высоты, рефрактометрия, коэффициенты рефракции, геодезические измерения, геодезический пункт, геодезическая сеть, геодезический полигон.

## NEW METHODS OF ACCOUNTING FOR VERTICAL REFRACTION WITH TRIGONOMETRIC LEVELING IN THE CONDITIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

*A.S. Suyunov, Sh.A. Suyunov, U.A. Berdiculov  
Samarkand State Institute of Architecture and Construction*

### Abstract

In the conditions of Uzbekistan, a simple and ordinary method of refraction is used to determine the relative elevations without vertical refraction coefficient or angle. Described that these methods require a two-sided simultaneous or non-simultaneous geodetic measurements. Working formulas for vertical refraction are presented by calculating vertical gradients in geodetic measurement points.

**Key words:** Vertical gradients, equivalent heights, refractometry, refraction factors, geodetic measurement, geodetic point, geodetic network, geodetic ground.

**Кириш.** Дунёда геодезия соҳасида фан ва техниканинг замонавий ривожланиш босқичи юксалаверди. Атмосферанинг ерга яқин қатлами (АЕЯҚ)да бажариладиган геодезик ўлчаш ишлари аниқлигини ошириш катта аҳамиятга эга бўлиб, жуда ҳам долзарб ҳисобланади.

ЭҳМдан фойдаланиб бу масалаларни ҳал қилиш ва унда Сунъий йўлдошли (спутник) геодезияси ўлчаш ишларнинг электрон усулларининг жорий этилиши, геодезистларнинг барча бажариши керак бўлган ишларининг

унумли ва самарали бўлишини таъминлайди. Бу эса давлат геодезия ва картография хизматида халқ хўжалигида, фанда жорий ва истиқболли эҳтиёжларни таъминлашда янада мураккаб бўлган масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Ҳозирги даврда мамлакат асосида шаҳар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг илмий асосланган бош режа лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Уларда барча янгидан қурилаётган бино ва иншоотларни ва ком-

плексларнинг яхлит тарзда геодезик ўлчашлар асосида тўғри, юқори аниқликда ва талаб меъёрларида қурилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ушбу масалалар билан бир қатор олимлар оптик нурнинг тарқалиш йўлида рефракцияни ҳисоблаш учун 25 м баландликкача АЕЯҚнинг аэрологик зондлаш статистик материалларидан фойдаланиб келишган.

Ф.Линк ва Л.Нежил томонидан Ер юзасининг тўртта нуқтаси (Эквадор, Шарқий Ҳиндистон, АҚШ, Канада)да бажарилган тадқиқотлар амалий қизиқиш уйғотади. Олинган натижалар ёзги ва қишки даврлар учун оптик нурнинг горизонтал фактори учун рефракцияни ҳисоблаш имконини беради.

Рефракция назариясининг ривожига: В.Д.Струве, Н.Я.Цингер, Т.А.Банахевич, В.Иордан, С.Бауэрнфейнд, А.А.Изотов, Л.П.Пеллинен, Н.В.Яковлев, А.Л.Островскийлар ҳисса қўшишган; юртимиз олимларидан: А.С.Суюнов, А.А.Салахиддинов, Т.М.Абдуллаевлар шунга яқин мавзуларда илмий изланишлар олиб боришган.

Қизиқарли ва аҳамиятли тадқиқотларнинг кўплигига қарамадан, АЕЯҚнинг геодезик ўлчашларга таъсирини ҳисобга олиш муаммоси ҳозиргача Ўзбекистон шароитида ўз ечимини топмаган.

Барча геодезик ўлчашлар ҳаво атмосферасида амалга оширилади. Ўлчов объектлари бўлиб, электромагнит нурланиши ва унинг йўналиши, тарқалиш траекторияси хизмат қилади. Ташқи муҳитнинг тезликка таъсири ундаги электромагнит тўлқин йўналишини ўзгартиради. Ҳаво атмосферасининг бир турдаги муҳитда нурланиши ўзгармас тезлик бўйича тарқалади. Атмосферада кўриш нури траекторияда эгилади ва у (рефракция) бурчак натижаларини ўзгаришига, яъни хатоликларга олиб келади. Бу эса нафақат бурчак ўлчаш, чизиқли ўлчаш аниқлигига ҳам таъсир этади.

**Мақоланинг мақсади.** Ҳозирги кунда қиялик бурчакларини ёки зенит масофасини ўлчаш аниқлигини ошириш учун геодезик рефрактометрияда бир неча усуллар мавжуд. Бироқ бу усуллар бизнинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида қўлланилмаган ҳамда синондан ўтмаган.

Биз ўтказган тадқиқотда вертикаль рефракциянинг коэффицентини ёки бурчагини ҳисобламасдан нисбий баландликларни аниқлашда вертикаль рефракцияни оддий ва содда усулида тузатмаларни ҳисоблаш мумкин бўлади. Бундай усулларга қуйидагилар киради:

1. Геодезик ўлчаш пунктларда вертикаль градиентларни ҳисоблаш йўли билан вертикаль рефракцияни ҳисобга олиш.

2. Трасса чизигининг эквивалент баландликларга боғлиқлигини ва нисбий баландликларни аниқлашда тузатмалар киритиш йўли орқали вертикаль рефракцияни ҳисобга олиш.

Бу икки усул ҳам икки томонлама бир вақтда бажарилган ёки бир вақтда бажарилмайдиган геодезик ўлчашларни талаб этади. Бу ишларнинг назарияси қуйидаги илмий ишларда акс эттирилган [1, 2].

**Мақоланинг методикаси.** Бу усулларнинг тригонометрик нивелирлашда усулида нисбий баландликларни аниқлашда тузатмаларни ҳисоблаш учун ишлатиладиган ишчи формулаларини келтираимиз.

Биринчи усул учун тузатмалар геодезик тўрнинг барча йўналишлари учун қуйидача бўлади:

$$\Delta h_{i-(i+1)} = a_{i-(i+1)} \cdot C_i \quad (1)$$

Бунда

$$a_i = 502.4 \frac{P}{T^2} \cdot \frac{S^2}{2R_{ep} \cdot h_s} \quad (2)$$

(1) ва (2) формулаларда:  $C_i$  – 1 метр баландликда ҳаво ҳароратининг вертикаль градиенти. Бу қиймат тармоқнинг математик қайта ишлашларидан энг кичик квадратлар усули орқали аниқланади;  $\alpha_i$  – шартли тенгламалар коэффиценти,  $P$  – ҳаво босими;  $T$  – ҳаво ҳароратининг абсолют қиймати;  $R_{ep}$  – Ернинг радиуси;  $S$  – чизиқ узунлиги;  $h_s$  – аниқланаётган чизиқ бўйлаб эквивалент баландлик.

Тўғри ва тескари нисбий баландликларда  $\Delta h_i$  тузатмалари иккинчи усул учун қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta h_{(i+1)-i} = \frac{l \cdot h_{s-(i+1)}}{h_{s-(i+1)} + h_{s-(i+1)}} \quad (3)$$

$$\Delta h_{i-(i+1)} = l \cdot \Delta h_{(i+1)-i} \quad (4)$$

Бу ерда:  $l$  – нормал рефракция учун тузатмалар киритилган тўғри ва тескари нисбий баландликларни ўлчашлардаги фарқ.

**Масаланинг янгича ечими.** Бу икки усулларнинг имкониятлари тригонометрик нивелирлаш усулида бажарилган геодезик ўлчашларида аниқланган. Ўлчаш натижаларига вертикаль рефракция учун ҳисобланган тузатмаларни киритиб текшириб кўрилди. Бу ишлар Самарқанд вилоятида, махсус геодезик полигонда 2015 йилда бажарилди. Олинган барча маълумотлар бажарилган геодезик ўлчаш ишлари, иккинчи синф триангуляция тармоқлари пунктларида амалга оширилди. Унда 3 кун давомида узлуксиз уч қатор йўналиш бўйлаб "TrimbleM3 dg5" электрон тахеометри билан зенит масофалари ўлчанди. Геодезик кузатувлар дастури, полигон схемаси, тавсияномаси ва тригонометрик тармоғи илмий ишда келтирилган [3,4].

Биринчи усулга тузатмалар киритиш учун ЭҲМда математик ҳисоблаш ишлари амалга оширилди. Унда 3 та ўзаро боғланган йўналишлардан фойдаланиб, 3 та шартли тенгламалар тузилиб тармоқ тўридаги пунктлар учун нормал тенгламалар ечилди.

Ҳавонинг 1 метр баландликдаги аномал вертикаль градиентлари қийматлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики  $C_i$  нинг қийматлари анчагина катта ва у собиқ иттифоқнинг Европа қисмига

**1-жадвал**

**Ҳаво ҳароратининг аномал вертикаль градиенти қийматлари**

Тўрдаги пунктлар тартиб рақами	$C_i$	Тўрдаги пунктлар тартиб рақами	$C_i$
1	+0,299	4	+0,591
2	+0,314	5	+0,269
3	+0,390	6	+0,554

тегишли аналогик қийматлардан анчагина фарқ қилади.

Ўлчашлар натижасида (1) формула билан ҳисобланган тузатмалар тригонометрик усулда аниқланган нисбий баландликларга киритилиб қийматлар 2-синф геометрик нивелирлаш натижалари билан таққосланди. Нисбий баландликларни аниқлашдаги ўрта квадратик хатолар 2-жадвалда келтирилган.

Иккинчи усул анчагина кам ҳисоблашларни талаб этади. Шу тармоқ тўрида бир томонлама ва икки томонла-

2-жадвал

Биринчи усул билан нисбий баландликларнинг аниқлигини баҳолаш

Вақт (соат)	Бир томонлама нисбий баландликлар		Ўртача нисбий баландликлар	
	тузатма- ларсиз	тузатма- лар билан	тузатма- ларсиз	тузатма- лар билан
	Ўрта квадратик хатоси			
	$m_h^I$	$m_h^{II}$	$m_h^{III}$	$m_h^{IV}$
14 соат	0,106	0,055	0,047	0,045

ма тригонометрик нивелирлашнинг ўртаквадратик хатоси 3-жадвалда келтирилган.

**Хулоса ва тавсиялар.**

Юқоридаги натижаларни таҳлил қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

Бир томонлама тригонометрик нивелирлашда ҳар иккала усулда ҳам нивелирлашдаги нисбий баландликларни аниқлаш аниқлиги икки барабарга ошди.

3-жадвал

Иккинчи усул билан рефракцияни ҳисобга олиб нисбий баландликларни аниқлашнинг аниқлигини баҳолаш

Вақт (соат)	Бир томонлама нисбий баландликлар		Икки томонлама нисбий баландликлар	
	тузатма- ларсиз	тузатма- лар билан	тузатма- ларсиз	тузатма- лар билан
	Ўрта квадратик хатоси			
	$m_h^I$	$m_h^{II}$	$m_h^{III}$	$m_h^{IV}$
14 соат	0,106	0,055	0,047	0,045

Нисбий баландликнинг тўғри ва тескари натижаларининг ўртача қийматлари рефракцияни юқори ( $m_{hw} = 0,047m$ ) аниқликда ҳисобга олиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади.

Тўғри ва тескари йўналишларнинг эквивалент баландликлари фарқи кичик бўлса нисбий баландликларни ўртача қийматига рефракция тузатмаларни киритилиши аниқликни маълум миқдордагина яхшилайди.

№	Reference	Адабиётлар
1	Dzhuman B.M., Ostrovskaya S.A. <i>Metod ucheta vertikal'noy refraksii v trigonometricheskom nivelirovanii</i> [The method of taking vertical refraction into account in trigonometric leveling]. Journal of Goedeziya. Kartografiya i aerofotos'emka. L'vov, 1981. 3th ed. pp.19-24.	Джуман Б.М., Островская С.А. Метод учета вертикальной рефракции в тригонометрическом нивелировании. Геодезия. Картография и аэрофотосъемка. – Львов, 1981. вып. 3. – С. 19-24.
2	Ostrovskaya S.A. <i>Odnovremennoe vzaimnoe trigonometricheskoe nivelirovanie s uchetom, vychisleniya uglov ili koeffitsientov refraksii</i> [Simultaneous mutual trigonometric leveling taking into account, calculation of angles or refraction coefficients]. Journal of Marksheyderkoe delo i geodeziya. Leningrad, 1996. pp.11-15.	Островская С.А. Одновременное взаимное тригонометрическое нивелирование с учетом, вычисления углов или коэффициентов рефракции. Маркшейдерское дело и геодезия. – Ленинград, 1996. – С.11-15.
3	Suyunov Sh.A. <i>Zenit masofalarini kech-kunduz kuzatuv natizhalarini statistik tadkik kilish</i> [Statistical survey of night and day observation results of Zenit distances]. Journal of Me'morchilik va kurilish muammolari. Samarkand, 2017. no.4. pp.84-89.	Суюнов Ш.А. Зенит масофаларини кеча-кундуз кузатув натижаларини статистик тадқиқ қилиш // "Меъморчилик ва қурилиш муаммолари" журнали. – Самарқанд, 2017. № 4. – Б. 84-89.
4	Suyunov Sh.A., Musaev I.M., Karimova U.E. <i>Atmosferaning erga yakin katlamining ikkala kholatida kiyalik burchagini nazariy qiymatlarini geodezik va meteorologik ulchash natizhalari asosida aniklash</i> [To determine the theoretical values of the slope of the slope of both sides of the atmospheric surface, based on the results of geodetic and meteorological measurements]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2017, no.4(10). pp.32-37.	Суюнов Ш.А., Мусаев И.М., Каримова У.Э. Атмосферанинг ерга яқин қатламининг иккала ҳолатида қиялик бурчагини назарий қийматларини геодезик ва метеорологик ўлчаш натижалари асосида аниқлаш // «Irrigatsiya va Melioratsiya» журнали. – Ташкент, 2017. – № 4(10). – Б. 32-37.

УЎТ: 375.035

## МАГИСТРАНТЛАРНИ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА “МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ФАНИНИНГ ЎРНИ

З.Қ. Исмоилова - п.ф.д., профессор

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

П.М. Махсудов - доцент, Наманган муҳандислик-технология институти

### Аннотация

Халқ хўжалигининг турли соҳаларига етук мутахассислар ҳамда олий таълим муассасалари учун педагог кадрлар захирасини тайёрлаш магистратура таълимининг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этишда ўқув режадаги "Махсус фанларни ўқитиш методикаси" фани муҳим ўрин эгаллайди. Магистрантларни методик фаолиятга тайёрлаш илмий-педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мақола магистратура мутахассисликларидида "Махсус фанларни ўқитиш методикаси" фанини ўқитиш асосида магистрантларни илмий-педагогик фаолиятга тайёрлашда Педагогика, Психология, умумқасбий ҳамда соҳа йўналишлари бўйича махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалиётга татбиқ этиш, олий таълим муассасаларида умумқасбий ва махсус фанлари бўйича дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек, уларга оид ўқув меъёрий ҳужжатлар мазмуни билан таништир масалаларига бағишланган. Магистратура мутахассисликларидида ушбу фаннинг мазмуни, ўқитилишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ва уни самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** магистратура, илмий-педагогик фаолият, методик фаолият, махсус фанларни ўқитиш методикаси, методик фаолиятга қарашлар, маъруза машғулоти, амалий машғулоти.

## РОЛЬ УЧЕБНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ “МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ДИСЦИПЛИН” ПРИ ПОДГОТОВКЕ

З.Қ. Исмоилова - Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

П.М. Махсудов - Наманганский инженерно-технологический институт

### Аннотация

Подготовка высококвалифицированных специалистов для различных отраслей народного хозяйства, а также педагогических кадров для высших учебных заведений является основной задачей магистратуры. При решении этой задачи большое значение имеют дисциплины входящие в учебный процесс «Методика преподавания специальных дисциплин». Методическая подготовка магистрантов является основной составляющей части научно-педагогической деятельности. В статье рассматривается магистерская по специальности «Методика преподавания специальных дисциплин» в подготовке магистров для научно-педагогической деятельности в области педагогики, психологии, общепрофессиональных и специальных дисциплин, а также по содержанию их образовательных стандартов. В магистерских специальностях содержание этого предмета было проанализировано и даны рекомендации по повышению его эффективности.

**Ключевые слова:** магистратура, научно-педагогическая деятельность, методическая деятельность, методика преподавания специальных дисциплин, подход к методической деятельности, лекционные занятия, практические занятия.

## THE ROLE OF EDUCATIONAL DISCIPLINE "METHOD OF TEACHING SPECIAL DISCIPLINE "IN THE PREPARATION OF MASTERS TO SCIENTIFIC AND PEDAGOGICAL ACTIVITY

Z.Q. Ismoilova - Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

P. M. Makhsudov - Namangan Engineering and Technology Institute

### Abstract

The training of highly qualified specialists for various sectors of the national economy, as well as the training of pedagogical personnel for higher educational institutions, is the main task of the magistracy. At the decision of this problem the educational disciplines entering into educational process "the Technique of teaching of special disciplines" is of great importance. The methodical preparation of undergraduates is the main component of the scientific and pedagogical activity. The article deals with the masters degree in the specialty "Methods of Teaching Special Subjects" in the preparation of masters for scientific and pedagogical activity in the field of pedagogy, psychology, general professional and special disciplines, on issues of organizational forms and methods of vocational and special disciplines as well as the content, of their educational standards in the magistracy specialtie the content of this subjects has been analyzed and the recommendations are given to improve its effectiveness.

**Key words:** magistracy, scientific and pedagogical activity, methodical activity, methodology of teaching special disciplines, approach to methodical activity, lecture classes, practical exercises.



**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг ижтимоий йўналишида амалга оширилаётган муҳим тадбирлар қаторида олий таълим муассасалари учун педагогларнинг янги авлодини шакллантириш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, бой миллий мерос, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятларга садоқатли баркамол шахсни тарбиялаб вояга етказиш вазифалари белгиланган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан “таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шакллари жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” лозимлиги кўрсатиб ўтилган [2].

Бундай шароитда ижтимоий аҳамиятли билим ва қадриятлар жамиятда амалга ошириладиган ислохотлар талабларига тўла жавоб бера олиш лаёқатига эга, ишлаб чиқариш соҳасида юзага келган рақобатга бардошли, кескин ўзгаришларга мослаша олувчи, шунингдек, меҳнат бозоридан мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юрита олувчи мутахассисни шакллантиришга йўналтирилмоғи лозим.

**Асосий қисм.** Халқ хўжалигининг турли соҳалари ҳамда олий таълим муассасалари учун етук педагог кадрлар захирасини тайёрлаш магистратура таълимнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу вазифани ҳал этишда ўқув режадаги “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда магистратура мутахассисликлари ўқув режаларида магистрантларнинг илмий-педагогик фаолиятига жами 378 соат ажратилиб, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” ўқув фанига эса барча мутахассисликлар учун 20 соат маъруза ва 40 соат амалий машғулот тарзида режалаштирилган.

Олий таълим муассасалари магистрантларининг касбий-педагогик ривожланиши уларнинг мустақил фикрлашлари, ижодкорликлари, фаолликлари, муносабатларининг чуқурлашиб ҳамда бойиб бориши, характер ҳамда дунёқарашларининг турғунлашуви ҳамда ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши, ижтимоий-шахсий қизиқишларининг касбий-педагогик йўналишга эга бўлиши каби ҳолатлар билан тавсифланади. Бўлажак мутахассис учун магистратурада таълим олиш жараёни – бу магистрантларда илмий-педагогик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда касбий жиҳатдан аҳамиятли саналган сифат, билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳамда ўз-ўзини такомиллаштириш даври ҳамдир. Педагог шахси шаклланишининг ушбу даврида билимларни жамлаш, сақлаш, узатиш уларнинг мантиқий тузилмасини яратиш ва истиқболда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишда уларни самарали қўллаш каби жиҳатларни ўзида мужассам эттирган жараён узлуксиз равишда амалга оширилди. Педагогик-психологик фаолият билан боғлиқ қараш, қадрият ҳамда мотивациялар моҳиятан ўзгариб, такомиллашиб боради. Шу билан баробар равишда магистрантлар олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш малакаларини ҳам эгаллаб борадилар.

Магистрантларни илмий-педагогик фаолиятга тайёрлашда фаол ва самарали усул ҳамда шакллардан фойдаланилади. Улар олий таълим муассасаларида олган билим, кўникма ва малакаларини таълим муассасаси шароитига қийинчиликсиз кўчира олиши, таълим жараёнини тез ўзлаштириб олиши, тарбиявий ишларни замон талаблари асосида олиб боришлари керак.

Магистрантларнинг ўз соҳаси бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб боришлари билан бирга уларнинг ўзларидаги билим, кўникма ва малакаларни таълим олувчиларда моҳирона ҳосил қилиб бориш қобилияти ҳам муҳим ўрин тутди. Магистрантларда бундай қобилиятни ривожлантириш олий таълим муассасаларида уларни методик фаолиятга тайёрлаш жараёнида амалга оширилади [3].

Магистрантларни методик фаолиятга тайёрлашнинг мақсади – бўлажак ўқитувчиларда таълим олувчиларга таълим ва тарбия беришда фойдаланиладиган касбий билим, кўникма ва малакаларни юксак даражада қарор топтиришдир.

Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлов мезонлари, босқичлари ва турлари Н.А. Муслимов [4], Ў.Қ. Толипов [5], Ш.С. Шарипов [6] В.П.Косырев [7], Н.Е.Эрганова [8] каби педагог-олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган ва ривожлантирилган.

Педагогик адабиётларда методик фаолиятга 3 хил қараш мавжуд:

- биринчи тури бўйича методик фаолият дейилганда ўқитувчи шахсининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган методик иш, унинг дидактик воситалар билан ишлаши, ўқув фани соҳаси бўйича малакасини ошириш тушунилади;

- иккинчи турида методик фаолиятга аниқ бир фанни ўқитиш билан боғлиқ фаолият деб қаралади. Ушбу ҳолда тасниф муаллифлари ўқитувчининг методик ва ўқитишдаги ўзига хосликни инobatга олмайдилар, “методик фаолият”, “ўқитиш фаолияти” иборалари ўзаро синонимлар сифатида ишлатилади;

- учинчи турида методик фаолиятни ўқитувчининг касбий-педагогик фаолияти таркибидаги нисбатан яққол ўзига хосликда намоён бўлувчи мустақил малакалар йиғиндиси сифатида тасаввур қиладилар.

Демак, методик фаолият дейилганда, ўқитувчининг алоҳида бир фан ёки ўқув фанлар цикли бўйича унинг таълим бериш ва ўқитиш фаолиятлараро мувофиқликни таъминлайдиган таълим воситаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, конструкциялаш ва тадқиқ қилиш фаолияти тушунилади.

Бугунги кунда магистратура мутахассисликларидаги “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани танлов фани ҳисобланиб, фаннинг ўқув дастури ҳар бир олий таълим муассасасидаги шу фанни ўқитишга маъсул бўлган профессор-ўқитувчилар тамонидан тайёрлаб келинмоқда. Магистрлар тайёрлаётган олий таълим муассасаларида “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича тузилган ўқув дастурларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг мазмуни ва мавзуларнинг кетма-кетлиги кўп ҳолда бир-бирдан кескин фарқ қилмоқда.

Бизнингча, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича ўқув дастурини тузишда унинг қуйидаги мақсад ва вазифаларни ҳам ҳисобга олиш дастур мукамаллигини оширади (1-расм). Хусусан, мазкур мақола муаллифлари фаолиёт юритаётган олий таълим муассасаларида тузилган ўқув дастурларда фаннинг маъруза машғулотларидан асосан қуйидаги мавзулар ўрин олган: олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, таълим

**Махсус фанларни ўқитиш методикаси фани-  
касбий педагогиканинг илмий соҳаси**

**Фаннинг мақсади**

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани магистрларнинг Педагогика, Психология, умумкасбий ҳамда махсус фанлардан олган билим ва кўникмаларини амалга татбиқ этиш, олий таълим муассасаларида умумкасбий ва махсус фанлари бўйича дарс беришнинг шарт-шароитлари, ташкилий шакллари ҳамда методлари, шунингдек уларга оид ўқув меъёрий хужжатлар мазмуни билан таништирувчи, уларни тайёрлашни ўргатувчи фан бўлиб ҳисобланади.

**Фаннинг вазифалари**

- Магистрларда махсус фанларни ўқитиш методикасининг терминалогик тушуниш аппаратини шакллантириш;
- Махсус фанларни ўқитишни ташкил қилиш шакллари, мақсад ва вазифаларини лойihalash бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- Таълим жараёнини ташкил этилганлигини таҳлил қилиш ва уни самарали баҳолаш билиш;
- Махсус фан ўқитувчисининг методик ишлари тизими бўйича тушунчаларни ҳосил қилиш жараёнида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни лойihalash олиш бўйича малакаларини шакллантиришдир.

1-расм. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг мақсад ва вазифалари

тамоийллари, махсус фанларни ўқитишнинг ташкилий шакллари ва амалга ошириш методлари, махсус фанлардан маъруза, амалий ва тажриба машғулотларини ўтказиш методикаси, талабалар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш.

ўринда магистраура мутахассисликларида ўқитиладиган “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини ўқитишни шаклан ва мазмунан тўғри ташкил этиш, фани барча магистратура мутахассисликлари учун умумий мазмун асосида ўқитиш муҳим аҳамиятга эга.

Амалий машғулотларда эса фанга оид куйидаги мавзуларга кенг ўрин ажратилган: олий таълим муассасасининг тузилмаси ва мазмуни, олий таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий хужжатлари тузилиши ва уларни расмийлаштириш, таълим методлари ва уларни амалга ошириш методикаси, махсус фанларни ўқитишда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш, махсус фанлардан маъруза, амалий ва тажриба машғулотларини ўтказиш методикаси, талабалар билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш, дарсни таҳлил қилиш методикаси бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

**Хулоса.** Юқорида баён этилган мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, магистрантларни методик фаолиятга тайёрлаш илмий-педагогик фаолиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У касбий билим, кўникма ва малакаларни, шунингдек, унга боғлиқ фаолиятга хос характер сифатлари, қобилиятлар, қизиқишлар ва бошқаларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Бу

№	Reference	Адабиётлар
1	Uzbekiston Respublikasi Prezidentining <i>Uzbekiston Respublikasini yanada rivozhlantirish buyicha Xarakterlik strategiyasi tugrisidagi Farmoni</i> [The decree of the Republic of Uzbekistan on the further development of the strategy]. Toshkent, 2017, 7 fevral'. (in Uzbek)	Ўз.Р. Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, 2017, 7 февраль.
2	Uzbekiston Respublikasi Prezidentining <i>Oliy ta'lim tizimini yanada rivozhlantirish chora-tadbirlari tugrisidagi Karori</i> [The decision on measures for the further development of the higher education system]. Tashkent, 2017, 20 aprel'. (in Uzbek)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Тошкент, 2017, 20 апрель.
3	Ismoilova Z.K., Maksudov P.M. <i>Kasb ta'limi metodikasi fani buyicha ukuv dasturini universalashtirish masalasi</i> [The issue of universality of the curriculum of vocational education methodology]. Journal of Irrigatsiya va Melioratsiya, Tashkent, 2017, no.1(7). pp.72-73.	Исмоилова З.К., Максудов П.М. Касб таълими методикаси фани бўйича ўқув дастурини универсаллаштириш масаласи// «Irrigatsiya va Melioratsiya» журнали. – Ташкент, 2017. – № 1(7). – Б. 72-73.
4	Muslimov N.A. <i>Kasb ta'limi ukituvchisining kasbiy shakllantirishning nazariy-metodik asoslari</i> [Theoretical and methodological basis of vocational education teacher's professional development]. Ped.fan.dokt.diss. Tashkent, 2006.	Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2006
5	Tolipov U.K. <i>Oliy pedagogik ta'lim tizimida umummekhnat va kasbiy kunikma va malakalarni rivozhlantirishning pedagogik texnologiyalari</i> [Pedagogical technologies of development of professional and professional skills and qualifications in the system of higher pedagogical education]. Ped.fan.dokt.diss. Tashkent, 2004.	Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2004
6	Sharipov Sh.S. <i>Ukuvchilar kasbiy izhodkorligi uzviyligini ta'minlashning nazariyasi va amaliyoti</i> [The theory and practice of ensuring professional integrity of pupils]. Ped.fan.dokt.diss. Tashkent, 2004.	Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2012.
7	Kosyrev V.P. <i>Sistema nepreryvnoy metodicheskoy podgotovki pedagogov professional'nogo obucheniya</i> [System of continuous methodical training of teachers of professional training]. Avtoref.diss.dokt.ped.nauk. Moscow, 2007.	Косырев В.П. Система непрерывной методической подготовки педагогов профессионального обучения. Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – М.: 2007.
8	Erganova N.E. <i>Metodika professional'nogo obucheniya</i> [The method of professional training]. Uchebnoe posobie dlya studentov vysshkh uchebnykh zavedeniy. Moscow, Akademiya Publ., 2007.	Эрганова Н.Е. Методика профессионального обучения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. – М.: Изд. центр “Академия”, 2007.

UDC: 372.881.111.1

## ORGANIZATION OF THE ENGLISH TEACHING PROCESS

N. Shirinova - PhD, docent

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

### Abstract

Article deals with the methods of teaching English language. Also, the author introduces the methods of learning the vocabulary without translation, with giving their definitions, analyzing the speech patterns and recognizing the meanings of words by illustrating the pictures in the process of teaching students of TIAME. It was indicated the importance of specialized education and worked out the exercises to the texts directed to the irrigation and melioration as answer the questions, Yes-No exercise and putting headings. Given methods can serve for development of fluent speech and cognitive activity of students. Furthermore, there were shown the ways of differentiating and generalizing of subjects.

**Key words:** teaching method of English language, effectiveness of teaching English language, specialized teaching, working with specialized texts, training stage, using stage.

## ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

N. Ширинова - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

### Аннотация

Мақола инглиз тили ўқитиш методикасини ёритишга бағишланган. Муаллиф томонидан ТИҚХММИ талабаларини ўқитиш жараёнида сўзларни таржимасиз ўргатиш, яъни изохлаш, сўз туркумлари бўйича таҳлил қилиш ёки расмлардан фойдаланган ҳолда сўзларнинг мазмунини очиш каби методик усуллар тақдим этилган. Иختисосий ўқитишнинг ҳозирги кундаги аҳамияти кўрсатилиб, ирригация ва мелиорация соҳасига оид матнлар ва улар устида ишлаш машқлари, яъни савол-жавоб, “ҳа-йўқ” машқлари ва матн қисмлари бўйича сарлавҳа танлаш каби ишлаб чиқилган. Ушбу усуллар талабаларнинг инглиз тилида нутқ юритишлари ва билиш фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга талабалар қийёслаш ва умумлаштириш каби амаларни бажаришнинг усуллари кўрсатиб ўтилди.

**Таянч сўзлар:** инглиз тили ўқитиш методикаси, инглиз тили ўқитиш самарадорлиги, иختисосий ўқитиш, иختисосий матнлар билан ишлаш, машқ қилиш босқичи, қўллаш босқичи.

## ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

N. Ширинова - Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

### Аннотация

Статья освещает методику обучения английскому языку. Автором статьи вносятся методические приемы развития лексики без перевода, то есть толкованием слов, анализом частей речи или разъяснением значений слов с помощью рисунков в процессе обучения студентов ТИИИМСХ. Отмечена роль специализированного обучения и разработаны упражнения к текстам по ирригации и мелиорации, в том числе ответы на вопросы и упражнения по вопросам: «да-нет» и умение озаглавить каждую часть текста. Указанные методические приемы способствуют овладению свободной речи и повышению познавательной деятельности. Кроме этого, указаны способы сравнения и обобщения.

батлари вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда сув хўжалиги объектларини тўлиқ инвентаризация қилсин ва ўргансин, натижалари бўйича замонавий технологияларни жорий этишнинг бугунги кундаги ҳолати ҳамда жараёнини, Вазирлик тизимидаги ҳар бир бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларининг амалдаги иш ҳажмини инобатга олган ҳолда янгиланган штат меъёрларини белгиланган тартибда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идора бўйсунувидаги ташкилотларнинг янгиланган штат жадвалини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, штат жадвали тасдиқлангунга қадар Вазирлик тизими ходимларига иш ҳақи тўлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти*

*Ш. Мирзиёев*

*Тошкент шаҳри  
2018 йил 17 апрель*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ 8 МАЙДАГИ "ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ПҚ-3702-СОНЛИ ҚАРОРИ



**Қ**ишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши таълим жараёнини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имкониятларини яратди.

Шу билан бирга, сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда:

**Биринчидан**, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жадаллик билан жорий этилаётган замонавий интенсив, сувтежамкор технологиялар ҳамда илғор тажрибалар фан дастурларида ўзининг аксини топмаганлиги, таълим йўналишлари бўйича замонавий талаблар асосида яратилган методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳамда институт ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги натижасида талабалар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлмаётганлиги сабабли битирувчиларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида муаммолар мавжуд;

**Иккинчидан**, мутахассислар тайёрлаш юзасидан эҳтиёжлар чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида соҳага инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, гидроэнергетика ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, гидроэкология, гео ва гидроинформатика каби йўналишларда олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд;

**Учинчидан**, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибаларини доимий ошириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий компетентлигини оширишда соҳа бўйича хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланилмапти;

**Тўртинчидан**, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг тизимли ташкил этилмаганлиги, илмий излашларнинг соҳада мавжуд долзарб илмий муаммолар ечимларига қаратилмаганлиги оқибатида илмий фаолиятнинг замонавийлик ва натижадорлик даражаси пастлигича қолмоқда;

**Бешинчидан**, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас

боғланмаганлиги оқибатида битирувчиларнинг амалий кўникмалари талаб даражасида эмас.

Сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш тармоқлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг таклифлари асосида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади), унинг Бухоро филиали, таркибидаги Илмий-тадқиқот институтлари ва академик лицейлари билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Институт ва унинг Бухоро филиалида олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сув хўжалигида инновацион ресурстежамкор техника ва технологияларни қўллаш, геодезия ва геоинформатика, дарё ва сув омборлари гидрологияси бўйича янги ва замонавий билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, ўқув режаси ва фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар бўйича билимларни

акс эттириш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш орқали олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобат бардошлигини ошириш;

талабаларга таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича соҳада амалга оширилаётган модернизация ва жорий этилаётган замонавий технологияларга оид янги билим ва кўникмаларни сингдирган ҳолда сифатли таълим бериш;

профессор-ўқитувчиларнинг касбий билими, педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириш, хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини

ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш орқали манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, уларда сифатли таълим берилишини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларини битираётган кадрларни ўз мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш, уларнинг касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш.

### 3. Қуйидагилар:

Институт ва унинг Бухоро филиали тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

Институтда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича йўл харитаси 2-иловага мувофиқ;

Институт ва унинг Бухоро филиалига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоят ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси 3-иловага мувофиқ;

2018/2019 ўқув йилида Институт бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимоли 3а-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Институт ва унинг Бухоро филиали ҳамда илмий-тадқиқот институтларида амалга оширилган курилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Институт ва унинг Бухоро филиали ҳамда илмий-тадқиқот институтларида амалга оширилган курилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Институт ҳамда унинг Бухоро филиалини тасдиқланган тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Институт ҳамда унинг Бухоро филиали уставларини икки ой муддатда тасдиқлинишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Институт таркибидан чиқарилаётган Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини таҳлил қилган ҳолда уларнинг идоровий мансублигини аниқласин.

7. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Институт ҳамда унинг Бухоро филиалида қишлоқ ва сув хўжалиги билан соҳаси магистратура мутахассисликларига қабул

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилсин.

8. Институт ва унинг Бухоро филиалининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони 5-иловага ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қуйидагилар Институт ва унинг Бухоро филиалида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий инфоформацион дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва уларнинг таркибидagi корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгилловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

10. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39а-уйда жойлашган Тошкент иқтисодиёт ва бизнес касб-хунар коллежининг бино-иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда талабалар турар жойи сифатида фойдаланиш учун Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур бандга асосан Институтга берилаётган бинонинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан реконструкция қилинишини таъминласин.

11. Институт ва унинг Бухоро филиали ҳамда илмий-тадқиқот институти фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва ҳайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожла-

ниш вазирлиги ва Фанлар академияси Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда сув хўжалиги соҳасига оид долзарб илмий-техник муаммолар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илмий-тадқиқот муассасаларининг Институт билан ўзаро мувофиқлашган ва узвий ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда илмий ишланмаларнинг натижадорлигини ошириш юзасидан зарурий чораларни кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. Мирзиёев**

*Тошкент шаҳри  
2018 йил 8 май*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 ЙИЛ 7 МАЙДАГИ "ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА СОҲАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ПҚ-3698-СОНЛИ ҚАРОРИ



**К**айд этилсинки, мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодий шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг ҳузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда, уларга, авваламбор:

**биринчидан**, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги;

**иккинчидан**, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги;

**учинчидан**, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

**тўртинчидан**, давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

**бешинчидан**, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг:

олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича дирек-

тор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган қўшимча 10 та штат бирлигини ажратган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасида Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини (кейинги ўринларда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари деб юритилади) лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги йилига камида икки марта Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг илмий-инновацион фаолиятини баҳолаш юзасидан ахборот киритади;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Ю. Умаров илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасаларининг инновацион жамғармаларини (кейинги ўринларда — инновацион жамғармалар) шакллантириш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинмаган даромадлар, олий таълим муассасаларининг иш ҳақи, стипендия тўлаш, шунингдек, бошқа жорий харажатлари қоплангандан кейин тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорини йўналтириш ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион жамғармаларнинг маблағлари: илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантиришга;

илмий-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар сотиб олишга;

илмий-тадқиқот инфратузилмасини шакллантириш ва янгилашга, илмий ходимларни моддий рағбатлантиришга; инновация фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмаларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб ҳисоблансин:

бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш;

инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш;

янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Белгилансинки, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари фаолияти инновацион жамғармалар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари: бир ой муддатда раҳбар ўринбосарларидан бирини инновацион ривожланиш масалалари бўйича масъул этиб белгиласин;

ҳар йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаб келгуси йил учун тегишли тармоқ ва соҳаларни инновацион ривожлантиришнинг «йўл хариталари» ишлаб чиқирилишини, шунингдек, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминласин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264-сон Фармониға мувофиқ Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустақамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини молиялаштириш манбалари этиб, тегишли қисмларда, бошқа манбалар билан бир қаторда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши Жамғармага келиб тушадиған маблағларнинг, биринчи навбатда,

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга йўналтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргалиқда 2017-2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустақамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг етишмаётган қисмида ўз вақтида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги устувор инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, «стартап» лойиҳаларини ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида молиялаштириш учун 2018 йилда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 50 миллиард сўм миқдорида бюджет маблағларини ажратсин ҳамда маблағларни ўзлаштириш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг асослантирилган таклифларига кўра Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг кўшимча манбалари юзасидан таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

грантлар асосида амалга ошириладиган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларининг тизимли мониторингини, шу асосда мақсадсиз ишлатилаётган грант маблағларини бошқа истиқболли ва талаб юқори бўлган мавзуга оид лойиҳаларни амалга ошириш учун қайта йўналтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини молиялаштириш учун ажратилган ҳамда молия йили давомида ўзлаштирилмаган маблағлардан келгусида мақсадли фойдаланишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг долзарб йўналишлари бўйича мавзуга оид грантлар бериш юзасидан мунтазам равишда танловлар эълон қилишни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг хўжалик бошқаруви органлари ҳамда йирик давлат корхоналарининг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағларининг 0,1 фоизини Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш ҳамда уларни келгусида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга мақсадли ишлатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

8. 2022 йил 1 январга қадар муддатда:

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан олиб кириладиган илмий асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, сарфлаш материаллари, реактивлар, дастурий таъминот божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

илмий-тадқиқот ташкилотлари уларнинг асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар бундан мустасно, бўшаётган маблағлар уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли йўналтирилсин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ходимларининг меҳнатига Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва бюджетдан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан ҳақ тўлаш шартлари вазирлик ҳайъати томонидан белгиланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда инновацион ғоялар муаллифларини, мазкур ғояларни амалга оширувчи ташкилотчилар ва ҳомийларни моддий рағбатлантиришни таъминлаган ҳолда республикада инновацияларни ривожлантиришга қўмаклашган алоҳида тадбиркорлик субъектларини тақдирлаш маросимини ўтказишни назарда тутиб, республикада ҳар йили Инновацион ғоялар ҳафталиги — «InnoWeek.Uz» ўтказилишини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти*

*Ш. Мирзиёев*

*Тошкент шаҳри  
2018 йил 7 май*

## “IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA” журналада чоп этиш учун мақолаларни расмийлаштириш бўйича умумий қўйилмаган ҚОИДАЛАР ВА ТАЛАБЛАР

“Irrigatsiya va Melioratsiya” илмий-техник журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2015 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилган (гувоҳнома №0845). Журнал муассислари: Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти. Халқаро стандарт серия рақами - ISSN 2181-8584. “Irrigatsiya va Melioratsiya” илмий-техник журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Президиумининг 2015 йил 22 декабрдаги №219/5-сонли қарори билан 05.00.00 - Техника фанлари, 06.00.00 - Қишлоқ ҳўжалиги фанлари, 08.00.00 - Иқтисодиёт фанлари бўйича диссертация натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган. “Irrigatsiya va Melioratsiya” илмий-техник журнали бир йилда 4 марта – ҳар чорак якунлари билан чоп этилади. Мақолаларини чоп этувчи муаллифлардан мақолалар учун тўловлар талаб этилмайди.

### 1. ЭТИКА МЕЪЁРЛАРИ ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Тахририятга тақдим этилган материаллар илгари бошқа нашрларда чоп этилган ёки бошқа нашрларда кўриб чиқилаётган бўлмаслиги керак. Шунинг учун муаллиф тахририятга ушбу шаклда нашр этиш учун тақдим этган материални барча ҳаммуаллифлар ва иш бажарилган ташкилот номидан кафолатланиши керак. Нашрга қабул қилинган мақолани журнал тахририятининг ёзма розилигисиз уларни бошқа тилларга таржима қилиб тақдоран чоп этмаслик кафолатини олади. Шунингдек, муаллиф журналнинг этика меъёрлари билан танишганлиги, розилиги ва келтирилган барча масъулиятларни зиммасига олганлигини тасдиқлаши керак.

“Irrigatsiya va Melioratsiya” илмий-техник журнали eLIBRARY.RU – Россия илмий иқтибослик индекси (РИНЦ) базасига киритилганлиги ва бошқа йирик нашриётлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтираётганлиги учун мақолалар истисносиз журналнинг веб-саҳифасида очик эълон қилинади.

### 2. “IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA” ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЖУРНАЛИДА ЁРИТИЛУВЧИ МАВЗУЛАР:

- Ирригация ва мелиорация;
- Гидротехника иншоотлари ва насос станциялари;
- Ирригация ва мелиорация ишларини механизациялаш;
- Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш;
- Қишлоқ ва сув ҳўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш;
- Сув ҳўжалиги иқтисоди ва ер ресурсларидан фойдаланиш;
- Сув ҳўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлаш;
- Ирригация ва мелиорация соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар.

“Irrigatsiya va Melioratsiya” илмий-техник журнали тахририятга умумий шарҳдан ва ахборот шаклидаги илмий мақолаларни нашр учун қабул қилмайди. Тахририятга тақдим этилаётган кўл ёзма бўйича муаллиф илмий-тадқиқот иши олиб бораётган ташкилот раҳбариятининг йўлланма хати, мақолани чоп этиш мумкинлиги ҳақидаги эксперт хулосаси ҳамда тақриз бўлиши керак.

### 3. МАҚОЛАНING ЁЗИЛИШ ТИЛИ, ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИ

Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Мақола кенг омма учун тушунарли тилда, грамматика қоидаларига амал қилган ҳолда ёзилган бўлиши керак. Мақола ўзида муайян илмий тадқиқотнинг тугал ечимларини ёки унинг босқичларини ифодалаш зарур. Сарлавҳа мақоланинг мазмуни тўғрисида ахборот бера олиши, имкон қадар қисқа бўлиши ва умумий сўзлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Одатда илмий мақолада қуйидагилар бўлиши керак:

- универсал ўнлик таснифи (УЎТ), мақоланинг сарлавҳаси (уч тилда), аннотацияси (уч тилда), таянч сўзлар (уч тилда), кириш, кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили ва манбаларга ҳаволалар, масаланинг қўйилиши, ечиш усули (услуглари), натижалар таҳлили ва мисоллар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, муаллиф(лар) тўғрисида маълумот.

Мақолада одатда қабул қилинган атамалардан фойдаланиш, янги атама киритганда, албатта уни аниқ асослаб бериш керак. Физик катталикларнинг ўлчов бирликлари Халқаро ўлчамлар тизими (СИ) га мос бўлиши керак. Журналга илгари эълон қилинмаган мақолалар қабул қилинади. Мақолада муаллиф ўзининг ишларига ҳаволалар учун халдан зиёд ошириб юбормаслиги, кўпи билан 20–25 фойзга бўлиши тавсия этилади. Агар ўз ишига ҳаволалар сони кўпайиб кетса, бу ҳолатни асослаб бериши керак. Тахририят кўчирмачилик (плагиат), ўзгаларнинг ишларини ўзлаштириб олишга салбий қарайди. Шунинг учун муаллифлардан ишга жиддий муносабатда бўлиши ва ҳавола қилиш қоидаларига бўйсунуши: квадрат қавс ичида библиографик ҳаволани қўйишни ёддан чиқармаслиги сўралади.

### 4. МАҚОЛАГА ҚўЙИЛАДИГАН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

Мақоланинг сарлавҳаси, муаллиф (лар) ва у(лар)нинг лавозими, илмий даражаси ва иш жойи, аннотация, таянч сўзлар (уч тилда) бир устунда ёзилади. Мақоланинг қолган матнлари икки устунда ёзилади. Мақола MS Word 2003–2010 матн муҳарририда ёзилиши ва қуйидаги кўрсаткичларга мувофиқ қатъий расмийлаштирилиши керак:

- А4 форматда, матн саҳифасининг чеккаларида 2 см. дан жой қолдирилган, Times New Roman шрифтида, мақола учун шрифт ҳажми - 12 пт, жадваллар бундан мустасно, жадваллар учун шрифт ҳажми - 10 пт, қатор оралиғи - 1,15 интервал, матн саҳифа кенлиги бўйича текисланади, хат боши - 1 см ("Tab" ёки "Пробел" тугмаларидан фойдаланмасдан).

#### Қуйидагиларга руҳсат этилмайди:

- саҳифаларни рақамлаш, матнда саҳифани автоматик бўлишдан фойдаланиш, матнда автоматик ҳаволалардан фойдаланиш, автоматик бўгин кўчириш, камдан-кам ҳолларда ишлатиладиган ёки қисқартма ҳарфларни қўллаш.

**Жадваллар** MS Word дастурида ёзилади. Жадвалнинг тартиб рақами ва номи жадвалнинг юқорисиди ёзилади.

**Графикли материаллар** (рангли расмлар, чизмалар, диаграммалар, фотосуратлар) ўзида тадқиқотнинг умумлаштирилган материалларини ифодалаш керак. Графикли материаллар юқори сифатли бўлиши керак, агар зарурат туғилса, тахририят ушбу материалларни алоҳида файлда 300 dpi дан кам бўлмаган ўлчамда jpg форматда тақдим этишни талаб қилиши мумкин. Графикли материалнинг номи ва тартиб рақами пастки қисмда келтирилиши зарур.

**Формулалар ва математик белгилар** MS Wordда ўрнатилган форматли муҳаррирда ёки MathType муҳаррири ёрдамида бажарилиши керак.

Жадваллар, графикли материаллар кўрсатилган майдондан чиқиб кетмаслиги лозим.

**Таянч сўзлар** (ўзбек, рус, инглиз тилларида) – 5–10 та сўз ва иборалардан иборат бўлиши керак. Таянч сўзлар ва иборалар бир-биридан вергул билан ажратилади. Келтирилган таянч сўзлар тадқиқот мавзусини жуда аниқ акс эттириши шарт.

**Аннотация** (ўзбек, рус, инглиз тилларида) – аннотация ҳажми 250 та сўздан иборат бўлиши ва мақоланинг тузилишини қисқача ифодаловчи, ахборот шаклида берилиши керак ва 10-15 қатордан кам бўлиши мумкин эмас.

**Кириш**. Кириш қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва объекти тавсифланади. Дунё олимлари томонидан чоп этилган илмий мақолаларнинг таҳлили келтирилади. Чоп этилган адабиёт манбаларида қўйилган илмий изланишларнинг ечими йўқлиги тасдиқланган ҳолда муаллифнинг илмий ишлари қайси олимларнинг ишига асосланганлиги кўрсатилади.

**Ечиш усули (ёки услублари)**. Бунда танланган усул батафсил тавсифланади. Келтирилган ёки қўлланилган услуб бошқа тадқиқотчилар учун ҳам тушунишига қулай бўлиши керак.

**Натижалар ва намуналар**. Натижаларни асосан жадваллар, графиклар ва бошқа суратлар кўринишида келтириш тавсия этилади. Ушбу бўлим олинган натижаларни таҳлил қилиш, уларни шарҳлаш, бошқа муаллифларнинг натижалари билан солиштиришни ўз ичига олади. Натижаларда илмий-тадқиқотлар натижалари қисқача умумлаштирилади. Натижалар тадқиқотнинг объекти параметрлари ўртасидаги муносабатлар муаллифлар томонидан белгиланган мақоланинг асосий илмий натижаларини умумлаштирувчи, сонли хулосаларни ўз ичига олади. Натижалар мақола бошида қўйилган вазифалар билан мантиқан боғланган бўлиши керак.

**Хулоса**. Илмий ишларининг қисқа натижалари келтирилади, уларнинг ичида изланишнинг усули, янги ечими, амалиётда қўлланишнинг натижалари иқтисодий ва бошқа кўрсаткичлар бўлиши керак.

**Адабиётлар**. Адабиётлар рўйхати 20 тадан кам бўлмаган манбалардан иборат бўлиши керак, топилиши қийин бўлган ва норматив ҳужжатлар, бундан ташқари интернет манбаларида келтирилган ҳаволалар (даврий ҳужжатлар ҳисобга олинмайди) бундан мустасно.

Адабиётлар рўйхатига дарсликлар, ўқув қўлланмалари киритиш мумкин эмас. Кўпчилик адабиётлар инглиз тилида сўзловчи халқаро китобхонлар учун очик ва тушунарли бўлиши керак. Манбаларнинг аҳамиятлилигига қаттиқ талаблар қўйилади.

Барча манбалар мақоланинг ички қисмида рақамланган ҳавола тарзида берилиши керак. Матндаги ҳаволалар квадрат қавс ичида (масалан, Т.Султанов [7], [9, 10]) келтирилади. Барча манбаларга матнда ҳаволалар берилиши керак, акс ҳолда мақола қайтарилади.

**Муаллиф (лар) ҳақида маълумот**: фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва иш жойи. Ушбу маълумотлар мақола тақдим этилган ўзбек/рус тилида ҳам, инглиз тилида ҳам келтирилиши ҳамда мақоланинг охирида – адабиётлар рўйхатидан кейин жойлаштирилиши керак.

**Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва чоп этишга тавсия қилинмаган мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.**

Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллиф(лар) жавобгардир.

Тахририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39. Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Б-бино, 230-хона. Тел.: +99871 237-19-78 E-mail: [i\\_m\\_jurnal@e-tiame.uz](mailto:i_m_jurnal@e-tiame.uz), <http://www.jurnal.tiame.uz>

ТАҲРИРИЯТ



## Общие правила и требования по оформлению статей в журнале "IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA"

Журнал зарегистрирован в Агентстве печати и информации Узбекистана 4 марта 2015 года (лицензия № 0845).

Учредитель журнала: Министерство водного хозяйства Республики Узбекистан, Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. Международный стандартный серийный номер- ISSN 2181-8584. Научно-технический журнал «Ирригация и мелиорация» Указом Президиума ВАК Республики Узбекистан №219/5 от 22 декабря 2015 года, включен в список опубликованных научных публикаций по направлениям: 05.00.00-Технические науки, 06.00.00 - Сельскохозяйственные науки, 08.00.00 - Экономические науки.

Научно-технический журнал «Ирригация и мелиорация» публикуется четыре раза в год - ежеквартально. Платежи от авторов, публикующих статьи, не требуются.

### 1. ЭТИЧЕСКИЕ НОРМЫ И АВТОРСКИЕ ПРАВА

Подаявая статью в журнал, автор подтверждает, что она ранее не была опубликована в открытой печати и не находится на рассмотрении в другом издании. Автор гарантирует, что публикация статьи в данной форме одобрена всеми авторами и организацией, где работа была выполнена. После принятия статьи автор гарантирует, что она не будет опубликована повторно ни на каком языке без письменного согласия издателя. Также автор подтверждает, что ознакомлен и согласен с этическими нормами журнала и готов нести ответственность за их несоблюдение. Все статьи без исключения публикуются в открытом доступе на сайте журнала, а также в Научной электронной библиотеке России. Тексты, а также метаданные статей (название, аннотация, ключевые слова, данные авторов) передаются в различные базы данных и электронные библиотеки.

### 2. ТЕМАТИКА НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ЖУРНАЛА "IRRIGATSIYA VA MELIORATSIYA":

- Ирригация и мелиорация;
- Гидротехнические сооружения и насосные станции;
- Механизация ирригационных и мелиоративных работ;
- Механизация сельского хозяйства;
- Электрификация и автоматизация сельского хозяйства и управление водными ресурсами;
- Экономика водного хозяйства и использование земельных ресурсов;
- Подготовка кадров в области ирригации и мелиорации;
- Реформы осуществляемые в области ирригации и мелиорации;

Редакционная коллегия Научно-технического журнала «Ирригация и мелиорация» не принимает для публикации научные статьи обзорного и информативного содержания. Рукописи, представленные в редакцию, должны содержать рекомендательное письмо от организации, где проводилось исследование, экспертное заключение и рецензию о возможности напечатания статьи.

### 3. СТРУКТУРА, СОДЕРЖАНИЕ И ЯЗЫК СТАТЕЙ

Статья должна быть написана понятным грамотным языком, доступным для широкого круга специалистов. Статья должна представлять собой завершённую работу или ее этап, который можно подытожить. Название должно информировать о существе статьи, быть максимально кратким и не содержать общих слов. Как правило научная статья должна содержать:

- универсальную десятичную классификация (УДК), название статьи (на трех языках), аннотацию (на трех языках), ключевые слова (на трех языках), введение, анализ современного состояния проблемы с необходимыми ссылками, постановку задачи, методы решения, анализ результатов и примеры, выводы, список использованной литературы.

Следует использовать принятую терминологию, в случае введения новых терминов необходимо четко обосновать это. Единицы физических величин должны соответствовать Международной системе СИ. Журнал принимает на рассмотрение только неопубликованные ранее статьи. Если автор использовал значительные фрагменты из своих ранее опубликованных работ, на них должны быть приведены ссылки, а также должна быть объяснена необходимость такого крупного заимствования. При этом в журнале не приветствуется избыточное самоцитирование.

Редакция крайне негативно относится к практике присвоения чужих идей и достижений (к плагиату). Просим авторов внимательно подходить к работе с источниками и соблюдать правила цитирования: не забывать использовать кавычки и ставить библиографические ссылки. При цитировании или пересказе положений или результатов чужого исследования ссылка обязательна.

### 4. ТЕХНИЧЕСКИЕ ТРЕБОВАНИЯ К СТАТЬЯМ

В журнале название, авторы и их должности, ученая степень и место работы, аннотации, ключевые слова (на трех языках) печатаются в одной колонке. Остальные тексты материала печатаются в две колонки. Статьи должны быть выполнены в текстовом редакторе MS Word 2003-2010 и отредактированы строго по следующим параметрам:

- ориентация листа – книжная, формат А4, поля - 2 см по периметру страницы, шрифт Times New Roman, размер шрифта для всей статьи, кроме таблиц – 12 пт, размер шрифта для таблиц – 10 пт, междустрочный интервал – 1.15, выравнивание по ширине страницы, абзацный отступ – 1 см (без использования клавиш «Tab» или «Пробел»).

#### Не допускается:

- нумерация страниц, использование в тексте разрывов страниц, использование автоматических постраничных ссылок, использование автоматических переносов, использование разреженного или уплотненного межбуквенного интервала.

**Таблицы** набираются в редакторе MS Word. Таблицы должны иметь номера и названия, которые должны быть указаны над таблицами.

**Графический материал.** Цветные рисунки, чертежи, схемы, фотографии должны представлять собой обобщенные материалы исследований. Графический материал должен быть высокого качества, при необходимости издательство может потребовать предоставить материал в отдельных файлах в формате jpg с разрешением не ниже 300 dpi. Названия и номера графического материала должны быть указаны под изображением.

**Формулы и математические** символы должны быть выполнены либо в MS Word с использованием встроенного редактора формул либо в редакторе MathType.

Таблицы, графический материал и формулы не должны выходить за пределы указанных полей.

**Ключевые слова:** обязательны и должны содержать 5-10 слов и словосочетаний. Ключевые слова и словосочетания отделяются друг от друга запятой. Приведенные ключевые слова должны предельно точно отражать предметную область исследования.

**Аннотация** (на узбекском, русском и английском языках) – обязательна. Рекомендуемый объем аннотации не должен превышать 250 слов, которая должна кратко отражать структуру статьи и быть информативной и не менее 10-15 строк.

**Введение.** В введении формулируется актуальность исследования и описывается объект исследования. Приводится обзор мировых научных публикаций, подтверждающий отсутствие в литературных источниках решения данной задачи и указывающий предшественников, на исследованиях которых базируется работа. Смотрите полные требования к полноте и представительности обзора литературы. Формулируются цель и задачи исследования.

**Постановка задачи.** Указать на какие официальные документы автор опирался при решении поставленной задачи и какие при этом результаты будут достигнуты.

**Методы.** В методах подробно описывается выбранный метод исследования. Метод должен быть расписан таким образом, чтобы другой исследователь был способен его воспроизвести.

**Результаты и примеры.** Результаты рекомендуется представлять преимущественно в виде таблиц, графиков и других иллюстраций. Этот раздел включает анализ полученных результатов, их интерпретацию, сравнение с результатами других авторов. - Подтверждение. Необязательный раздел.

**Выводы.** Приводятся краткие результаты научных исследований, методы исследований, оценка результатов их внедрения с экономической точки зрения и другие показатели.

**Список используемой литературы.** Список литературы должен включать не менее 20 источников, не считая труднодоступных и нормативных источников, а также не считая ссылок на интернет-ресурсы (не являющиеся периодическими изданиями). В список литературы не следует включать учебники, учебные пособия и т.п. Большинство источников должны быть доступны и понятны международным англоязычным читателям. К источникам предъявляются строгие требования по уровню и актуальности. Авторы несут ответственность за то, что информация в каждой ссылке является полной и точной. Все источники должны быть пронумерованы в последовательности ссылок на них в тексте статьи. Ссылки в тексте должны иметь вид номера в квадратных скобках (например, "как описано Т.Султановым [7]."; ", как описано в [9, 10]."). Все ссылки на источники должны быть приведены в тексте; в противном случае статья будет отклонена.

**Сведения об авторе(ах) должны содержать:** фамилии, имена, отчества, занимаемую должность, ученую степень и место работы. Данная информация должна быть представлена как на предоставленном языке статьи, так и на английском языках и располагаться в конце статьи после списка литературы.

**Статьи, не отвечающие вышеуказанным требованиям к рассмотрению не принимаются и статьи не рекомендованные к изданию авторам не возвращаются.**

**За достоверность приведенных сведений в статьях отвечает автор(ы).**

Адрес редакции: 100000, г.Ташкент, улица Кары-Ниязова, 39. Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, здание Б, комната 230. тел: 237-19-78, E-mail: [i\\_m\\_jurnal@e-tiame.uz](mailto:i_m_jurnal@e-tiame.uz), <http://www.jurnal.tiame.uz>

Редакция

